

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА ВА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

А. ЭГАМБЕРДИЕВ, С. УВРАИМОВ

*Мирзо Улуғбек номидаги
Ўзбекистон Миллий университетининг
100 йиллигига бағишланади.*

**А Т Л А С Л А Р –
КАРТОГРАФИК ЭНЦИКЛОПЕДИЯЛАР**

Маъруза

Тошкент – 2017

Маърузада Ўзбекистонда атлас картографиясининг шаклланиши, хозирги ҳолати, муаммолари ва ривожланиш истиқболлари ёритилган. Шунингдек, Ўзбекистонда чоп этилган ҳар хил мазмунли ва мақсадли географик атласларнинг мазмун-моҳияти, таркиби ва улардан фойдаланишнинг асосий йўналишлари кўрсатилган.

Маъруза Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида «География», «Геодезия, картография ва кадастр», «Гидрометеорология», «Геология» ва «Геофизика» бакалавриатура йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича таҳсил олаётган талабаларга ва магистрантларга мўлжалланган бўлиб, ундан умумтаълим муассасаларининг ўқитувчилари ҳам фойдаланишлари мумкин.

М а с ъ у л м у х а р р и р :

Мирали МИРАКМАЛОВ – Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Геология ва география факультети «География» кафедраси доценти, география фанлари номзоди

Т а қ р и з ч и л а р :

Лола БОЛТАЕВА – Тошкент шаҳар Юнусобод тумани 273-умумтаълим мактабининг олий тоифали география фани ўқитувчиси

Машкура АҲМЕДОВА – Тошкент вилояти Зангиота тумани 34-умумтаълим мактабининг география фани ўқитувчиси

Дизайнер – Матлуба Тўрахўжаева

Маъруза Ўзбекистон География жамияти илмий кенгашининг 05.05. 2017 йилдаги (2-сонли баённома) қарори билан нашрга тавсия этилган.

ГЕОГРАФИК АТЛАСЛАР – КАРТОГРАФИК ЭНЦИКЛОПЕДИЯЛАР

Маъруза режаси:

1.1. Атласлар-картографик энциклопедиялар.....	4
1.2. Атлас картографиясининг шажараси.....	5
1.3. Ўзбекистонда атлас картографиясининг ривожланиши ва мустақил Ўзбекистоннинг янги атласларини яратилиши.....	10
1.4. Атласларнинг турлари.....	37
1.5. Миллий атласлар.....	51
1.6. Атласлар геосистемаларнинг модели сифатида.....	58
1.7. Атласларнинг ички бир бутунлиги.....	59
1.8. Ўзбекистонда атлас картографиясининг ривожланиш истиқболлари..	61
◆ Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	67
◆ Иловалар.....	69

*«Картографик асарларга бефарқ кишилар бор дейишади,
лекин мени бунга ишоним қийин»*
Р.Л.СТИВЕНСОН

1.1. АТЛАСЛАР – КАРТОГРАФИК ЭНЦИКЛОПЕДИЯЛАР

Атлас – бу умумий дастурга биноан, яхлит бир-бутун, ажралмас асар сифатида бажарилган ва китоб ёки варақлар тўплами (комплекти) кўринишида нашр қилинган хариталарнинг тизимли тўпламидир. Атлас умумий муқова остида жамланган хариталарнинг оддий тўплами эмас, балки ўзаро боғланган ва ўзаро бир-бирини тўлдирадиган хариталар тизимидир.

Машҳур иқтисодий географ Н.Н.Баранский таъкидлаганидек, **«Опера-алоҳида мусиқали пьесага қандай таалуқли бўлса, атлас ҳам алоҳида харитага тахминан шундай муносабатда бўлади»**. Бу жуда ўринли ўхшатиш, ҳақиқатдан, исталган атлас умумий ғоя ва дастурга биноан бирлашган кўп картографик мавзуларни қамраб олади. Атласни яратиш қийин ва машаққатли иш бўлиб, у картографик санъатнинг чўққиси ҳисобланади.


Атлас ўзи билан ҳудуд ҳақидаги, уни ҳозирги кун (замон) даражасида ўрганилган билимларни ва маълумотларни тизимлаштирилган тўплами-картографик энциклопедияни ифодалайди. Атлас хариталарини бир-бирига солиштириш, таққослаш ва бирини устига бирини қўйиб фойдаланиш учун қулай. Агар керак бўлса, миқдорий маълумотларни олиш, математик корреляцияларни амалга ошириш ва ясама тасвирлар (хариталар) тузиш мумкин. Атласлар ҳудудларни комплекс ўрганиш ва баҳолаш, кенг қамровли чуқурлаштирилган илмий тадқиқотларни ўтказиш, табиий шароит ва ресурсларни ўрганиш, ҳисобга олиш ҳамда улардан самарали фойдаланиш режаларини тузиш ва инсоннинг табиатга аралашув оқибатларини прогнозлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва экологик ҳолатни яхшилаш каби ишлар учун махсус мўлжалланган бўлади.

Фундаментал атласлар илмий географик баёнлар, тушунтириш матнлари (одатда улар алоҳида жилдларни ташкил қилади), космик суратлар ва фотографиялар, диаграммалар ва жадваллар билан тўлдирилган бўлади. Атлас хариталари майда масштабни бўлишига

қарамасдан, улар нозик ва нафис жиҳозланиши туфайли жуда маълумотлидир. Маълумотнома аппаратга-географик номларни кўрсаткичларига ва бошқаларга алоҳида эътибор берилади. Бошқа энциклопедик нашрларга ўхшаб, атласлар ихтисослаштирилган ёки кўп мақсадли бўлиши мумкин.

1.2. АТЛАС КАРТОГРАФИЯСИНИНГ ШАЖАРАСИ

Биринчи атлас милодий II асрда Рим империясида пайдо бўлган, деб ҳисобланади ҳамда у машҳур математик ва картограф **Клавдий Птолемей** (Птоломей) томонидан тузилган. Атлас Ойкумена (Ер шарининг одамзод яшайдиган қисми) харитасини-юнонларга ва римликларга ўша пайтда маълум бўлган Европа,



Африка, Яқин Шарқ ва Жанубий Осиёнинг алоҳида қисмларини қамраб олган, 26 та харитани ўзига жамлаган дунё атласини яратди. Птолемейнинг бошқа юнон муаллифлардан фарқи шундаки, у ўзига маълум барча фактик материалларни хариталарга туширган ва шу тариқа катта картографик асар яратган. Бу хариталарда градус тўри ишлатилган бўлиб, улар ўз даврига нисбатан илмий жиҳатдан анча юксак даражада эди.


Птолемей атласидаги 22 харитада Ўрта Осиёнинг 35°-63° шимолий кенглик ва 81°-147° шарқий узоклик орасидаги қисми тасвирланган бўлиб, унда республикамиз ҳудуди ҳам акс эттирилган. Ўрта асрларда Птолемей атласини бутунлай унутиб юборишган, лекин, XV асрнинг бошида атласнинг грекча кўлөзмаси ва хариталари латин тилига ўгирилиб, ранг-баранг қилиб бўялган ҳамда «**Космография**» номи билан қайта нашр қилинган. Уйғониш даври олимлари бундан хайратда қолганлар: Птолемей атласи бутун дунёни, мамлакатларни, денгизларни етарли

даражада аниқ ва батафсил тасвирлаган, хариталарда градус тўри ва шартли белгилар кўрсатилган. Бу вақтга келиб китоб чоп этиш кашф қилиниши натижасида хариталарни ҳам кўп нусхада босиш имкони туғилган. Кейинчалик Птолемей атласини янги хариталар билан тўлдириб, уни кўп марта нашр этишди. Атласнинг биринчи нашри 1477 йили Болоньяда чоп этилган. Қисқа муддатда атласга кўшимчалар ва аниқликлар киритилиб, 30 мартадан ортиқ қайта нашр қилинди.

XIII аср охири ва XIV аср бошларида савдо-сотик, кемачиликнинг ривожланиши, очиқ денгизда хавф-хатарсиз сузиш эҳтиёжи махсус навигация атласларини (портолона хариталарининг тўпламини) яратишга туртки бўлди. Ошланган терига чизиқли масштаб асосида тузилган бундай хариталарда қирғоқ чизиқлари, порт шаҳарлар ва улар орасидаги масофалар аниқ кўрсатилган. Шунингдек, уларда навигацион жадваллар, тақвим (календар)лар, астрономия ва астрология бўйича зарур маълумотлар келтирилган. Портолоналарда дастлаб Ўрта ҳамда Қора денгиз ҳавзалари тасвирланган (портолона харитаси иловада келтирилган). Улардан Ўрта ва Қора денгизда, Европа, Африка ва Атлантика океанининг қирғоқ бўйларида, айрим пайтларда Каспий денгизиде қирғоқ ёқалаб сузишда фойдаланишган.

XVI асрнинг иккинчи ярмида картография Нидерландияда яхши тараққий этди. Натижада харита ва атласлар айрим якка шахслар томонидан эмас, балки махсус ихтисослашган хусусий корхоналар томонидан чиқарила бошланди. Буюк географик кашфиётлардан сўнг дунё қандай кўриниш олган бўлса, уни худди шундай тасвирлаган, ўймакорлик (гравюра) усули билан ишланган янги хариталар ва атласлар яратилди ва чоп этилди. Бу кашфиётлар **картографиянинг олтин асри бўлди** ва ўша даврда яратилган картографик асарлар ҳозирда дунёнинг энг нуфузли кутубхоналарида, музейларида ўша давр фани ва маданиятининг ажойиб ёдгорликлари сифатида сақланмоқда.

1570 йили ўймакор ва ношир **Авраам Ортели** (1527-1598) Амстердамда хариталар тўпламини «*Theatrum Orbis Terrarum*» (Ер шарининг кўриниши) деб номлаб нашр эттирди. Атласда дунё ва қитъалар: Америка, Осиё, Африка ва Европанинг, шунингдек, алоҳида мамлакатларнинг хариталари жамланган. Атлас географик баёнлар, чиройли муқова, мамлакатларнинг алифбо тартибида тузилган рўйхати ва географик номлар кўрсаткичи билан бойитилган.



Биринчи атлас, уни ҳозирги замон тушунишида, «**Картографларнинг қироли**» **Герард Меркатор** (1512-1594)

томонидан яратилган.

Меркатор хариталари энг янги манбалар, экспедицияларнинг ҳисоботлари, географик адабиётлар асосида тузилган, қайта ишланган ва ушбу атлас хариталари учун янги картографик андоза (проекция)лар ҳисоблаб чиқарилган.

Атласнинг биринчи қисмини Меркатор 1585 йили нашрдан чиқарди, тўрт йилдан сўнг иккинчи қисмини нашр эттирди. Атласга ҳаммаси бўлиб Европа мамлакатларининг 80 га яқин



харитаси киритилган. Буюк картографнинг вафотидан сўнг, асар унинг ўғли Румольд томонидан поёнига етказилди ва 1595 йили

«Атлас ёки дунёнинг яратилиши ва яратилганнинг кўриниши ҳақида Космографик мулоҳазалар» номи остида чоп этилди. Шундай қилиб, картографияда биринчи марта «Атлас» номи (атамаси) пайдо бўлди. Термин, фанларнинг ҳомийси, философ ва картограф, биринчи осмон глобусини ясаган, Ливиянинг афсонавий подшоҳи Атлас номидан олинган. Бу атама эса фанда мустаҳкамлаб кўйилди ва нафақат картографияда, кейинчалик бу ном оммалашиб кетди. Масалан, ўсимликлар атласи, ҳайвонот дунёси атласи, булутлар атласи ва анатомик атласлар.

Россияда хариталарни чизмалар, атласларни эса «**чизма китоби**» деб аташган. **Иван Грозний** архиви рўйхатида Рус давлатининг кўп чизмалари тилга олинади, лекин уларда деярли ҳеч нима сақланиб қолинмаган: табиий офатлар, урушлар, низолар ва ёнғинлар туфайли ушбу асарлар йўқ бўлиб кетган. Фақат «**Барча Москва давлати катта чизмаси**»га бағишлаб ёзилган батафсил географик баён «**Катта чизмага китоб**» маълум. Китоб тахминан 1600 йили тузилган, 1627 йили эса у яна қайта тузилган. Китобда йўл



хариталари, аҳоли, дарёлар тасвирланган, географик номлар келтирилган. Чизманинг алоҳида қисмлари муковаланган ва улар ўзига хос атласни ташкил этган, деган тахминлар бор. 1701 йили Тобольск шаҳрида яшаб ўтган машҳур картограф **Семён Ульянович Ремезов** тузган «**Сибирь Чизма китоби**» сақланиб қолган. Бу катта формат (бичим)даги атлас бўлиб, у Сибирнинг 2 та

умумий, ва 21 та алоҳида қисмлари чизмасини ўз ичига олган. Хариталар математик асосга эга эмас, лекин, шунга қарамасдан уларда Сибир дарёлари тўри, аҳоли пунктлари, этнографик маълумотлар батафсил ва етарли даражада аниқ тавсифланган. Бу

титул варағи, мундарижаси, сўз бошиси, шартли қисқартмалар жадвали бўлган ҳақиқий атласдир. Руслар уни биринчи рус географик атласи деб ҳисоблайдилар. Атласда Ўрта Осиё билан Қозоғистоннинг катта қисми, шу жумладан Ўзбекистоннинг деярли барча районлари махсус бир харитада берилган.

Петр I даврида атлас картографияси сезиларли ривожланди. XVIII асрни биринчи ярмида Азов, Қора, Болтик, Каспий денгизларининг бутун бир тизим атласлари яратилди. Россия илмий картографиясининг кўзга кўринган ютуғи – XVIII асрнинг таниқли давлат арбоби, машҳур географ ва картограф И.К.Кирилов томонидан тақдим этилган «**Бутун Россия империяси атласи**» лойиҳаси бўлди. И.К.Кирилов ғояси бўйича атласни учта жилди 300 варақдан ортиқ умумгеографик, тарихий ва энг асосийси, иқтисодий хариталарни ўз ичига олган йирик картографик асар бўлиши керак эди. Лекин, муаллиф ҳаётлигида улардан ҳаммаси бўлиб 37 тасини нашрга тайёрлаб, уларни нашр эттиришга улгурди.

Ўрта Осиё хусусан, Ўзбекистон ҳудуди тўлиқ тасвирланган дастлабки атлас хариталари 1914 йили нашр қилинган «**Атлас Азиатской России**» (Россия Осиё қисмининг атласи)да берилган. Атласда ўша пайтда Туркистоннинг суғориладиган ерлари кўрсатилган алоҳида харита берилган. Атласда собиқ Туркистон ва ҳозирги Ўзбекистон ҳудуди ҳар томонлама – табиати, хўжалиги, аҳолиси, маъмурий бўлиниши ва бошқа жиҳатлардан акс эттирилган. Унда мавжуд суғориладиган ерлар ва келгусида суғорилишга яроқли бўлган ерларнинг ареаллари алоҳида ажратиб берилган. Анча йирик масштабда Чирчиқ дарёси ҳавзаси ва Мирзачўлнинг ўша пайтда пахта экиш учун ўзлаштириш ишлари бошланган ҳудудларини суғориладиган ерлари кўрсатилган. Мазкур атлас тарихий-географик нуқтаи назардан жуда катта аҳамиятга эга. Чунки, унинг асосида биринчи жаҳон уруши бошланиши арафасида Россиянинг Осиё қисми, хусусан Туркистон ҳудуди қишлоқ хўжалиги нуқтаи назаридан қай даражада ўзлаштирилганлигини баҳолаш мумкин. Бинобарин, Россия Осиё қисмининг бу атласи Ўрта Осиё ва Ўзбекистон картографияси тарихида катта воқеадир. Бу хариталар – ўз даврининг энг мукамал хариталари қаторига киради.

1.3. ЎЗБЕКИСТОНДА АТЛАС КАРТОГРАФИЯСИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ВА МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ АТЛАСЛАРИНИ ЯРАТИЛИШИ

Ўзбекистон ҳудуди акс эттирилган майда масштабли атлас хариталари ва харита схемалари кўпгина аجدодларимиз томонидан яратилган. Ўзбекистон ҳақидаги картографик мерос, бу ҳудудда яшаб ва ижод қилиб келган халқларнинг илмий ва маданий мероси каби қадимий ва бойдир. Дунё географияси ва картографиясининг ривожидан **Мусо Муҳаммад ал-Хоразмий, Ал-Фарғоний, Жайхоний, Абу Зайд ибн Саҳал ал-Балхий, Наршахий, Абу Райҳон Беруний, Маҳмуд Қошғарий, Ҳофиз Абру** ва бошқа алломаларимиз қолдирган илмий мерос муҳим ўрин тутди. Араб шарқи картографиясининг ривож топишида саёҳатнома асарлар ва улар асосида яратилган ҳамда **араб ва Ўрта Осиё картографиясининг кўзгуси** бўлган «**Ислом атласи**» жуда катта туртки бўлди. «Ислом атласи»нинг муаллифи номаълум, бироқ айрим тадқиқотчилар уни Балхий тузган деб ҳисоблайдилар.

Бу атласда 21 харита, жумладан, дунёнинг доиравий харитаси, Арабистон, Форс денгизи, Мағриб (Ғарб), Миср, Сурия, Рум денгизи (Ўрта денгиз) хариталари ҳамда мусулмон дунёси марказий ва шарқий қисмларининг 14 та харитаси бор¹. Картографиянинг математик асосларини яратишда **Муҳаммад Хоразмий (IX аср)** билан **Абу Райҳон Беруний (XI аср)**нинг хизматлари каттадир. Хусусан, Муҳаммад Хоразмий Шарқда биринчи бўлиб Птолемейнинг атласи ва «Географиядан қўлланма» асари билан бевосита танишиб чиқди, уларни танқидий ўрганиб, янги-янги маълумотлар билан бойитди ҳамда ўзи раҳбарлигидаги 70 нафар олим иштирокида Шарқ мамлакатлари географияси қўлга киритган материалларга таянган ҳолда янги «**Жаҳон хариталари**»ни яратди. Ҳурматли олимимиз, профессор Ҳ.Ҳасановнинг фикрича, «**Жаҳон хариталари**» аслида дунё атласи бўлиши керак эди. Хоразмий бу хариталар изоҳини ўзининг «**Сурат ал-арз**» номли асарида баён этган. Афсуски,

¹ Гальков Ч.В. ва бош. Ўзбекистон карталари.-Т.: «Ўқитувчи», 1975, 13-бет

изоҳноманинг тўлиқ бўлмаган битта нусхаси, атлас хариталаридан эса атиги тўрттаси бизгача сақланган.

География, картография ва геодезия соҳасининг улкан билимдони Беруний Шарқда биринчи бўлиб глобус ясаган, ўзи мустақил равишда Ер айланаси узунлигини ҳисоблаб чиққан ва 1029-1030 йилларда ёзилган «**Ат-тафҳим**» китобига ўзига хос доиравий дунё харитасини илова қилган. Бу хаританинг қўлёзма нусхалари Оксфорд, Берлин, Техрон, Душанбе ва Тошкент шаҳарларининг архив фондида сақланмоқда. Берунийнинг аниқлашича, Ер радиуси 6399,1 км га, экватор айланасининг узунлиги 40181,5 км га, Ер айланасининг 1° ёйи эса 111,6 км га тенг. Булар буюк олимнинг ҳисоблари ҳозиргига жуда яқин эканлигини кўрсатиб турибди. Яна шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, Ғарбий Европада Ер ўлчамлари ҳақида то XVI асргача бундай катта аниқликда маълумот олинган эмас².

Лекин, айтиш жоизки, 1917 йилга қадар республикаимиз ҳудудини картографик жиҳатдан ўрганилганлик даражаси анча суст бўлган. XIX асрнинг иккинчи ярмида Россия Ўрта Осиёни, жумладан, Ўзбекистоннинг ҳозирги ҳудудини босиб олиб, ўз мустамлакасига айлантиргандан сўнг, бу иқтисодий жиҳатдан муҳим ўлка харита ва атласларни яратиш бўйича ишлар бошланди. Рус зиёлиларининг анча илғор қисми Тошкентда Туркистон қишлоқ хўжалиги жамиятини тузди. У қишлоқ хўжалиги, хусусан, пахтачилик соҳасида илмий тадқиқот ишларини олиб борди, махсус журналлар ва рисоалар чоп этиб, ўша вақтларда фанга маълум бўлган илғор агромелиоратив ғояларни маҳаллий аҳоли орасида тарғибот ва ташвиқот ишлари билан шуғулланди.

Товар деҳқончилигининг ўсиши ва қишлоқ хўжалиги ихтисослашувининг кучайиши, пахта экин майдонларининг кенгайиши, янги ерларнинг ўзлаштирилиши ва ирригацияга оид қурилишларнинг кенгайиши Ўрта Осиё қишлоқ хўжалиги географиясини ўрганишнинг муҳим воситаларидан бири бўлган иқтисодий, хусусан қишлоқ хўжалигига оид хариталарни яратилишига тurtки бўлди. Натижада кўп ўтмай, ўлкаимиз табиий шароитини қишлоқ хўжалиги нуқтаи назаридан тавсифловчи

² Гальков Ч.В. ва бош. Ўзбекистон карталари.-Т.: «Ўқитувчи», 1975, 27-бет

дастлабки хариталар яратилди. Бу хариталар Ўрта Осиё ва Ўзбекистоннинг хақиқий хариталарини яратишдаги дастлабки кадамлар эди.

Ўлкамизнинг ҳозирги замон типигаги дастлабки аниқ хариталарини яратиш **1867 йилда таъсис этилган Туркистон харбий топография бўлимининг** (бундан кейин қисқартирилиб Туркистон ХТБ тарзида берилди) қизгин фаолияти билан боғлиқдир.

Туркистон ХТБ нинг фаолияти кўп жиҳатдан Чор ҳукуматининг бу ўлкадаги иқтисодий сиёсати билан, яъни бу ердаги ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш, табиат бойликларини ҳисобга олиш ҳамда улардан имкон борича тўла фойдаланиш билан боғлиқ эди. Шунинг учун ҳам биринчи навбатда иқтисодий жиҳатдан катта аҳамиятга молик ҳудудлар хариталари ишланди. Бу хариталар ўз даврининг илмий ҳамда амалий талаблари даражасида бўлиб, Ўзбекистон ҳудуди учун ҳам ягона картографик материал вазифасини бажарган.

1897 йили Тошкентда Россия география жамиятининг Туркистон бўлими ташкил этилади. Бу жамиятнинг ташкилотчи ва фаол аъзолари В.Ф.Ошанин, Л.С.Берг, Н.Г.Маллицкий, Н.Л.Корженевский ва бошқалар Ўрта Осиёнинг асосий тоғли қисмидаги ўнлаб географик объектларни – тоғ тизмалари ва чўққилари, дарё ирмоқлари, музликлар ва бошқаларни биринчи мартаба харитага туширдилар.

1910 йили Петербургда **«Большой Всемирный атлас Маркса»** босилиб чиқди. Унда Ўрта Осиёнинг иккита харитаси берилган бўлиб, ҳар иккаласи ҳам картографик тасвирининг анча мукамаллиги, ҳозирги Ўзбекистондаги йўллар ва аҳоли пунктларининг анча батафсил туширилганлиги билан характерлидир.

Хулоса қилиб айтсак, ХХ аср бошларида Ўзбекистон ҳудуди, унинг муҳим географик хусусиятлари кўплаб харита ва атласларда акс этди. Бирок, республикамиз ҳудудида харита тузиш ишлари шўролар даврига қадар яхши ривожланмади, хариталарнинг кўпчилиги масштаби ва ҳудудий кўлами жиҳатидан ҳам, аниқлиги ва картографик тасвир даражаси жиҳатидан ҳам жуда оддий (примитив) эди. Зотан, ҳудуднинг ички қисмлари ҳали яхши ўрганилмаган,

манбалар етарли даражада тўлиқ ва аниқ бўлмаган, план олиш асбоблари, картографик тасвирлаш усуллари ва харита ишлаш техникаси ривожланмаган эди. Фақат Туркистон ҲТБ хариталари ва 1914 йили нашр этилган Россия Осиё қисмининг атласи хариталари бундан мустасно. Бу хариталар – ўз даврининг энг мукамал хариталари қаторига киради.

Ўзбекистонда харитага олиш ишлари шўролар даврида сезиларли ривож топди. Халқ хўжалигининг тикланиши ва ривожланиши, янги ерларни кенг миқёсда ўзлаштириш ва суғориш махсус хариталарни яратилишини тақозо этди. Лекин, бу ривожланиш бир ёқлама бўлиб, Марказий Россия метрополия манфаатларига бўйсунган эди.


1934 йили Ўрта Осиё ва Қозоғистонда ягона бўлган Тошкент картография фабрикаси (ҳозирги «Картография» илмий ишлаб чиқариш давлат корхонаси) ташкил этилди. Унга давлат муассасаларини ва жамоат ташкилотларини мавзули, сиёсий-маъмурий ва маълумотнома хариталар билан, шунингдек, умумтаълим муассасаларини ўқув харита ва атласлари билан таъминлашдек юксак вазифа юклатилди. Кўп ўтмай суғориладиган ҳудудларнинг 1:10 000 масштабдаги қишлоқ хўжалик хариталари ва Ўзбекистоннинг 1:500 000 масштабдаги маъмурий харитаси ва Ўрта Осиё халқларининг миллий тилларида ўқув хариталари тузилди ва нашр этилди.

1937-1940 йиллари нашр этилган икки қисмдан иборат **«Большой советский атлас мира»**да Ўзбекистоннинг ва унинг алоҳида воҳаларининг иқтисодий хариталари берилган, уларда суғориладиган ва баҳорикор ерлар, яйловлар, шунингдек пахта, каноп ва тамаки етиштириладиган районлар тасвирланган. Махсус шартли белгилар билан қишлоқ хўжалик экинларининг ҳудудий жойланиши ва чорва молларининг тарқалиши кўрсатилган, совхозлар эса ихтисослашувига мувофиқ махсус шартли белгилар билан акс эттирилган.

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда республикамизда харитага олиш ишлари анча жадал олиб борилди. Бу даврда деҳқончиликнинг ҳудудий ташкил этишда доннинг аҳамияти ошди,

пахта уруғчилиги ва селекцияси борасида олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишларининг қамрови кенгайди. Картографларнинг асосий вазифаси қишлоқ хўжалигини, бошқарув ва режалаштириш органларини зарур картографик материаллар билан таъминлаш, илғор хўжаликлар ва илмий-тадқиқот муассасаларининг ютуқларини тарғибот қилиш ҳамда амалиётга жорий этилишини тезлатиш бўлиб қолди.

Шунга биноан, 1960 йили собиқ Иттифоқнинг комплекс соҳавий «**Қишлоқ хўжалик атласи**» яратилди. Атласда географик муҳит билан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши орасидаги ўзаро боғлиқликни белгилаш, алоҳида тармоқларнинг жойлашиш ва ривожланиш қонуниятларини чуқур англаш ва қишлоқ хўжалик районларини ажратиш мақсадида 377 та харита, харита-схема ва жадваллар берилган. Атлас хариталари ҳозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Ана шу тажрибага асосланиб, бугунги мавжуд шароитларни ҳисобга олиб, республикамиз агросаноат комплексини ҳам бир бутун (яхлит, бўлинмас) атласини яратиш вақти келди, деб ўйлаймиз.



Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда картография, айниқса комплекс харитага олиш жадал ривожланди. Ушбу катта ишнинг бошланиши 1960 йилларга тўғри келади. Чунончи, 1963 йилда рус тилида республикамизнинг биринчи табиий-географик илмий маълумотнома **«Ўзбекистон атласи»** илк бор чоп этилди. Атласда 50 дан ортиқ 1:3 500 000; 1:4 000 000; 1:5 000 000 ва 1:7 500 000 масштабларда тузилган


умумгеографик ва мавзули рангли хариталар берилган бўлиб, уларда асосан мамлакатимизнинг бетакрор табиий шароити ва табиий ресурсларига картографик тавсиф берилган. Атлас хариталаридан

бутун Ўзбекистоннинг, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасининг ва алоҳида ажратилган тўққизта табиий географик районнинг табиий шароитларини ўрганиш, ҳисобга олиш ҳамда улардан самарали фойдаланиш, шунингдек, уларнинг динамикаси тўғрисида ҳам зарур маълумотларни олиш мумкин. Булар асосида илмий-географик жиҳатдан «Табиий географик районлаштириш», «Тектоник», «Тўртламчи давр ётқизиқлари», «Геоморфологик», «Артезиан ҳавзалар, минерал ва термал сувлар», иқлим хариталари, «Гидрографик харита», «Тупроқлар» ва «Ўсимликлар хариталари» айниқса катта эътиборга сазовор. Хариталарни яратишда тегишли вазирлик ва идораларнинг, давлат ташкилотлари ва муассасаларнинг, илмий тадқиқот институтлари ва олий ўқув юртларининг материалларидан фойдаланилган. Мазкур атлас мамлакатимиздан ташқари нуфузли хорижий мутахассисларнинг диққатини ҳам ўзига жалб этди. Чунончи, Франция ва Италияда чоп этилган тақризларда ўзбек географларининг ушбу, мисли кўрилмаган тадқиқотлари география фанига кўшилган муҳим ҳисса деб баҳоланди. Машҳур «Италия География жамияти бюллетени»да чоп этилган, етук мутахассис **Риккардо Рикарди** қаламига мансуб қизиқарли ва нуфузли тақризда агроиқлим, тектоник, геоморфологик, артезиан ҳавзалари ва бошқа хариталарни бажаришдаги юқори илмий-техник даража, танланган рангларнинг мутаносиблиги, ифодалилиги, тиниқлиги, ёрқинлиги, тасвир воситаларининг бойлиги ва бошқалар хариталар мазмунини тушинарилигини оширишга катта ёрдам берганлиги алоҳида қайд этилади.


Тақриз муаллифи, Ўзбекистон атласининг ютуқларини эътироф этиш билан бирга, афсусланиб, **«Арманистон ва Озарбайжон атласларидан фарқ қилиб, ўзбек атласи фақат табиий географияни қамраб олган, бироқ, гуркираб ривожланаётган бундай мамлакат учун алоҳида қизиқиш уйғотадиган демографик ва иқтисодий жиҳатлари бутунлай тасвирланмаган»**, деб ёзади. Унинг Парижлик ҳамкасби **Сильвен Бенсидун** ҳам Ўзбекистон атласига Францияда чоп этиладиган географларнинг махсус ахборотномаси «**Географических анналах**»да чоп этилган ўзининг қизиқарли тақризида айнан ҳудди шундай хулосага келади. Бироқ,

шунга қарамасдан, ҳар иккала тақризчи ҳам бошланган ушбу олижаноб ва истиқболли иш давом эттирилади ва тўлдирилади, деб умид билдирган.

1984 йили Ўзбекистон Ер тузиш ва лойиҳалаш институти томонидан «Ўзбекистон агросаноат комплекси альбоми» нашр этилди. Унда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини табиий ва ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлари



ва қишлоқ хўжалигининг асосий тармоқлари ривожланишини акс эттирувчи 31 та харита, диаграмма ва графиклар берилган. Альбомда Қорақалпоғистон Республикаси ва қолган 12 вилоятнинг алоҳида-алоҳида агросаноат комплексини тавсифловчи хариталар берилган. Хариталарда сифатли ранг ва ареаллар усули билан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ихтисослашуви, белгилар усули билан эса қишлоқ хўжалиги корхоналари ва уларнинг ихтисослашуви ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи саноат корхоналари кўрсатилган. Шунингдек, альбомда аҳоли зичлиги, агроиқлимий районлаштириш, тупроқ эрозиясига қарши тадбирлар,



сув хўжалиги, пахтачилик, чорвачилик, яйловлар, қуриқ ерларни суғориш ва ўзлаштириш каби қатор харита ва харита-схемалар берилган. Барча хариталарнинг асосий мазмуни кўшимча матн, жадвал, диаграмма ва графиклар билан бойитилган.

1980 йили Ўзбекистоннинг биринчи «Ўқув-ўлкашунослик атласи» чоп этилди. Атлас лойиҳаси Ўзбекистон Миллий университетининг география факултети жамоаси ва Ўзбекистон ФА нинг География бўлими ва умумий ўрта таълим муассасаларининг тажрибали методистлари билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган. Атласнинг қоғоз бичими 44x30 см,

асосий хариталарнинг масштаби 1:3 500 000 ва 1:5 000 000. Унинг умумий ҳажми 48 бет бўлиб, унда 37 та кўп рангли харита, турли хил диаграмма ва графиклар, тушунтириш матнлари, табиий ва хўжалик объектларининг рангли фотосуратлари берилган.

Республикамиз пойтахти-Тошкент шаҳрининг 2000 йиллик юбилеи муносабати билан 1983 йили комплекс «**Тошкент географик атласи**» чоп этилди. Атласнинг қоғоз бичими 25x35 см, асосий хариталарнинг масштаби 1:400 000 ва 1:650 000. Атлас кириш ва 6 та бўлимдан иборат бўлиб, у 48 та харита ва



харита-схемаларни ўз ичига олган. Атлас Ленинград (ҳозирги Санкт-Петербург) шаҳрининг 1977 йили чоп этилган тарихий-географик атласидан кейин собиқ Иттифокда нашр қилинган иккинчи шаҳар атласи ҳисобланади. Атласда Тошкент шаҳри ва Тошкент шаҳри атрофининг табиий шароити, саноати, қишлоқ хўжалиги, транспорти, маданияти ва тарихига тўлиқ картографик тавсиф берилган. Ушбу атлас республикамизда шаҳар атлас картографиясини ривожлантиришга асос солиб, яқин келгусида Самарқанд, Бухоро, Хива каби қадимий шаҳарларимизнинг ҳам шу хилдаги атласларининг яратилишига йўл очиб беради.

1985 йили Ўзбекистон Миллий энциклопедиясининг бош таҳририяти икки жилдди «**Пахтачилик**» энциклопедиясини собиқ Иттифокда илк бор нашрдан чиқарди. Унда пахтачиликнинг ўша даврдаги ривожланишини ақс эттирувчи 3 мингга яқин мақола ўрин олган.

Энциклопедияда пахта етиштириш ва уни қайта ишлашнинг асосий хусусиятлари, биология, генетика, уруғчилик, ғўзани парвариш қилиш агротехникаси, механизация, агрокимё, тупроқшунослик, мелиорация, агрометеорология масалалари содда қилиб баён этилган. Ўсимликларни зараркунандалар, касалликлар,

бегона ўтлардан сақлаш, пахта етиштиришни ташкил этиш ва иқтисодий масалалари атрофлича очиб берилган.

Энциклопедияга собиқ Иттифоқнинг барча пахта етиштирувчи республикаларида пахтачиликнинг ўша йиллардаги аҳволини акс эттирувчи 40 дан зиёд хариталар киритилган.


Энциклопедияда илк бор собиқ Иттифоқдаги пахта экиладиган худудларнинг табиий, агроиқлимий ресурслари, тупроқ, мелиорация ва суғориш хариталари, шунингдек, маданий ўсимликларни келиб чиқиш марказлари,

жаҳон пахтачилиги, пахта йиғим-теримининг механизациялашганлик даражаси, пахта ҳосилдорлиги (ц/га ҳисобида) ва пахта ялпи ҳосили (минг тонна ҳисобида), пахтачиликда минерал ўғитлардан фойдаланиш ва уларнинг иқтисодий самарадорлиги, ҳамда пахта етиштирувчи республикаларнинг алоҳида-алоҳида комплекс пахтачилик хариталари берилган. Жаҳон пахтачилиги харитасида нуқталар усули билан пахта экин майдонлари (битта нуқта 200 минг гектар), белгилар билан пахта экин майдонлари 200 минг гектардан кам бўлган давлатлар, картограмма усули билан эса пахта ялпи ҳосили кўрсатилган. Араб рақамлари билан пахта етиштирадиган давлатлар (жами 82 та) қайд этилган.

Оқ-қора рангдаги хариталар мақолалар ўртасида жойлаштирилган, ранглилари эса алоҳида тўпланиб, атлас шаклида энциклопедиянинг иккинчи жилдига илова қилинган.

Умуман пахтачилик энциклопедияси режалаштириш ва илмий тадқиқот муассасалари мутахассислари, олий ва ўрта махсус ўқув муассасаларининг профессор-ўқитувчилари, талабалар учун муҳим қўлланма бўлиб қолганлиги шубҳасиздир.





1982-1985 йиллари икки қисмдан иборат комплекс географик илмий-маълумотнома – «Ўзбекистон атласи» чоп этилди. Атласнинг қоғоз бичими 61x42 см, асосий хариталарининг масштаби 1:2 500 000 ва 1:3 500 000. Атлас 28 та алоҳида-алоҳида бўлимдан иборат бўлиб, унда 322 та кўп рангли харита берилган. Мазкур атласнинг умумий ҳажми ва мазмунининг қамровига кўра миллий атласларга яқин деб ҳисоблаш мумкин. Атласни

лойиҳалаштириш ва хариталарини тузишда ижодий жамоа ишга тизимли ёндашиб, асосий эътиборни республикамизнинг табиий шароити ва табиий ресурслари, халқ хўжалиги ва унинг тармоқлари, маданияти ва тарихининг ўзига хос хусусиятларини сақлаб қолиб, уларнинг ҳақиқий ҳолатини акс эттиришга қаратганлар.

Мазкур атласда собиқ Иттифоқда чоп этилган барча комплекс илмий-маълумотнома атласлардан фарқ қилиб, Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоғи-пахтачиликка алоҳида бўлим ажратилиб, унда бу соҳага биринчи марта тўлиқ картографик тавсиф берилган. Мазкур бўлимда жами 30 та харита берилган бўлиб, бунда, айниқса, пахта навларини районлаштириш ва пахтачиликнинг илмий базаси, пахта йиғим-теримини механизациялаштириш даражаси, пахтачиликда минерал ва органик ўғитлардан фойдаланиш ва уларнинг иқтисодий самарадорлиги, пахта хомашёсини ишлаб чиқаришнинг самарадорлик даражаси, пахта тозалаш саноати мавзусида тузилган хариталар ҳам илмий, ҳам услубий нуқтаи назардан катта аҳамиятга моликдир.

Комплекс регионал атласларга махсус бўлимлар киритилиб, уларда атласи ишланаётган ҳудудлар иқтисодиётининг етакчи тармоқларига ҳар томонлама тўлиқ картографик тавсиф бериш мумкинлигини исботлаган бу атлас ҳали яна кўп йиллар ўзининг илмий-услубий ва амалий қийматини йўқотмайди. Ушбу атлас нашр

этилгандан сўнг Ўзбекистонда атлас картографияси соҳасида анча узоқ муддатли танаффус бошланди.

Тўғри, ўтган асрнинг 80-йилларининг охири ва 90-йилларининг бошларида Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг (ЎЗРФА) География бўлими раҳбарлигида республикамизнинг комплекс соҳавий илмий-маълумотнома «Пахтачилик» ва «Тиббий географик атлас»лари тузилиб, нашрга тайёрлаб қўйилган эди. Бироқ, айрим сабабларга кўра, улар ўз вақтида чоп этилмай қолди. Ҳозир ушбу атласларнинг мавзуи ва мазмунини янгилаб, такомиллаштириб, уларни замон талабига мувофиқлаштирган ҳолда нашр қилиш вақти келди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, республика раҳбарияти мамлакатимиз иқтисодиётини илмий асосда барқарор ривожлантириш, катта табиий бойлик ва инсон ресурсларидан оқилона фойдаланиш, аҳолининг ўсиб бораётган моддий ва маънавий эҳтиёжларини тўла-тўқис қондириш, мамлакат муҳофаа қудратини мустаҳкамлаш ва давлат кадастрларига оид фаолиятни аниқ режа ва илмий асосда ташкил этиш ишларига катта эътибор қаратди. **1997 йил 25 апрелда «Геодезия ва картография тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни қабул қилинди ва амалга киритилди.** Ушбу қонуннинг мақсади Ўзбекистон Республикасида геодезия ва картографияга оид фаолиятнинг ҳуқуқий асосларини белгилаш ҳамда давлатнинг, юридик ва жисмоний шаклларининг геодезия ва картография маҳсулотига бўлган эҳтиёжларни қондириш учун зарур шарт-шароитларни яратишга қаратилган. 1992 йил 16 январь Вазирлар Маҳкамасининг 19-сонли қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Геодезия ва картография бошқармаси ташкил этилди. Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 31-январидаги 44-сонли қарори билан Геодезия ва картография бошқармаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Геодезия, картография ва давлат кадастри бош бошқармаси (Ўзгеодезкадастр) сифатида қайта ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикасининг биринчи президенти И.А.Каримовнинг 2004 йил 15-октябрдаги РҒ-3502-сонли Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари

давлат қўмитаси ҳамда ЎзР ВМ хузуридаги Геодезия, картография ва давлат кадастри Бош бошқармаси тугатилиб, уларнинг негизда Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри қўмитаси (Ергеодезкадастр) давлат қўмитаси ташкил қилинди.

«Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси ерлардан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилиш, Ер тузиш, геодезия ва картография фаолияти, давлат кадастри, кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишни тартибга солиш соҳасидаги давлат бошқарув органидир.


Ҳозирги пайтда, «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси таркибига «Марказий аэрогеодезия» ва «Самарқанд аэрогеодезия» корхоналари, «Геодезия ва картография миллий маркази» давлат унитар корхонаси, «Картография» илмий ишлаб чиқариш давлат корхонаси, «Геоинформкадастр» давлат унитар корхонаси, Қорқалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармалари, «Давлат геодезия назорати инспекцияси», «Ўздаверлойиха» ўзбек давлат ер тузиш илмий-лойихалаштириш институти, «Тупроқшунослик ва агрокимё» илмий-тадқиқот давлат институти, «Компьютер ва геоахборот технологияларни ривожлантириш ва жорий этиш маркази» давлат унитар корхонаси киради.

- табиий бойликлар ва кўчмас мулкнинг комплекс ҳисобини олиш, баҳолаш ва мониторингини амалга ошириш мақсадида давлат кадастрларининг ягона тизимини юритиш;
- манфаатдор вазирликлар ва муассасалар билан ҳамкорликда давлат кадастрларининг ягона тизимини юритиш методологиясини, илмий тамойилларини ва концепцияларини ишлаб чиқиш;
- вазирликлар, муассасалар ва давлат ҳокимияти органларининг кадастрни юритиш соҳасидаги фаолиятини жойларда координациялаш;
- Ўзбекистон ҳудуди бўйича топография, геодезия, картография ва кадастр ишларини амалга ошириш;

➤ мамлакат мудофааси ва халқ хўжалиги тармоқларини, фан, маориф, маданият ва аҳолини геодезия, картография ва кадастр маълумотлари билан таъминлаш.

Ўтган қисқа фурсат ичида республикамизнинг 1:1 000 000, 1:1 500 000 ва 1:200 000 масшабли табиий, сиёсий-маъмурий, иқтисодий, экологик, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, иқлим, агроиқлимий районлаштириш, гидрогеологик, зоогеографик, геоморфологик, ер ва сув ресурслари, ўсимлик, тупроқ, ландшафт, аҳоли ва транспорт хариталари, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларнинг табиий ва сиёсий-маъмурий хариталари, Тошкент, Нукус, Бухоро, Самарқанд ва Хива шаҳарларининг туристик хариталари ҳамда қолган бошқа вилоят марказларининг шаҳар планлари чоп этилди.

1997 йили Тошкент картография фабрикасида (ҳозирги «Картография» илмий ишлаб чиқариш давлат корхонасида) «Ўрта Осиё Республикаларининг умумгеографик атласи» тузилди ва нашр этилди. У картографик маълумотнома сифатида кенг ўқувчилар оммасига мўлжалланган. Атласнинг қоғоз бичими 25x33,3 см, умумий ҳажми 75 бет. Унда ҳар бир республика бўйича зарур рақамли маълумотлар билан бирга, уларни ҳар бирини алоҳида-алоҳида сиёсий-маъмурий ва табиий хариталари, вилоятларни ва алоҳида регионларнинг умумгеографик хариталари, пойтахт шаҳарларнинг схематик планлари берилган.



Умумгеографик хариталарда аҳоли пунктларининг жойлашиши ва аҳоли сони, алоқа йўллари, гидрография ва рельеф муфассал тасвирланган.

Шунингдек, ўрта умумий таълим муассасалари учун 1:2 500 000 масштабда «Ўрта Осиё ва Қозоғистон» нинг табиий харитаси,




«Марказий Осиё давлатларининг сиёсий-маъмурий харитаси», 1:16 000 000 масштабда «Дунёнинг табиий ва сиёсий хариталари» ҳамда 1:28 000 000 масштабда «Ғарбий ва шарқий яримшарларнинг

табиий хариталари» чоп этилди. 2001-2002 ўқув йилидан бошлаб «Картография» илмий ишлаб чиқариш давлат корхонасида **4-синфдан 9-синфгача** алоҳида ўқув географик атласлари ва **5-синфдан 9-синфгача** тарих атласлари ўзбек ва рус тилларида мунтазам нашр этилиб келмоқда.


1998 йилдан бошлаб «Геодезия, картография ва кадастр» илмий ишлаб чиқариш журнали нашр қилинмоқда.

Ўзбекистонда атлас картографиясининг ривожланишида илмий ва илмий-услубий картографик нашрлар, чунончи, монографиялар, илмий тўпламлар, мақолалар, дарслик, ўқув қўлланмалар, шунингдек, съезд, конференция ва илмий семинарлар материаллари катта аҳамиятга эга.



Ўзбек олимлари амалда комплекс харитага олишнинг ҳамма соҳаларида илмий тадқиқот ишларини самарали олиб бормоқдалар. Ҳозирги кунда Ўзбекистоннинг барча ҳудуди учун топографик, обзор-топографик ва обзор хариталар мавжуд. Улар турли хил мавзули харита ва атласларни тузишда асос бўлиб хизмат қилади. Иқтисодиёт, таълим ва мамлакат муҳофафасининг картографик асарларга бўлган эҳтиёжини тўла-тўқис қондириш мақсадида

комплекс харитага олишнинг турли йўналишлари ривожланди, системали ёндашган ҳолда комплекс харитага олиш концепцияси шаклланди. Шу мақсадда аэрокосмофотосъёмка материалларидан унумли фойдаланиш йўлга қўйилди ҳамда йирик картографик асарларни яратишда турли соҳа мутахассисларининг ҳамкорлигида катта илмий-услубий аҳамиятга молик тажриба тўпланди. **1983 йили Ўзбекистонда биринчи марта комплекс ва мавзули харитага олиш муаммоларига бағишланган халқаро илмий-амалий анжуман ўтказилди.**



1999 йили Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг махсус буюртмасига биноан Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг география факультети жамоаси умумий ўрта таълим муассасалари учун «Ўзбекистон географик атласи»ни яратди. Атласнинг қоғоз бичими 22x29 см бўлиб, умумий ҳажми 56 бет. Унга 50 дан ортиқ харита, турли хил диаграмма ва графиклар, тушунтириш матнлари,

табiiй, маъмурий ва хўжалик объектларининг фотосуратлари киритилган. Асосий хариталар 1:4 000 000, 1:6 000 000 ва 1:8 000 000 масштабларда тузилган. Атласнинг тузилиши ва хариталарнинг махсус мазмуни умумий ўрта таълим муассасалари учун географиядан тузилган давлат таълим стандарти ва унга мувофиқ Ўзбекистоннинг табiiй ва ижтимоий-иқтисодий географиясидан тузилган намунавий ўқув дастурларига ва дарсликларига мос ҳолда ишлаб чиқилган. Алоҳида хариталарни лойиҳалаштириш ва тузишда тегишли фан соҳаси олимлари, малакали мутахассислар, шунингдек, умумий ўрта таълим муассасаларининг тажрибали услубиётчилари иштирок этган.

Хусусан, табiiй хариталарда (табiiй, геологик, геоморфологик, ўсимликлар, тупроқлар, ландшафтлар, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва бошқалар) воқеа ва ҳодисалар

картографик жиҳатдан аниқ тасвирланган. Зеро, табиий компонентларга ягона ўзаро алоқадор табиий ҳудудий комплекс сифатида қаралиб системали ёндашув асосида тўлиқ картографик тавсиф берилган. Атласда республикамизнинг 9 та табиий ва 8 та иқтисодий географик районларининг харитаси биринчи марта берилган.

Ижтимоий-иқтисодий хариталарда аҳоли зичлиги ва меҳнат ресурслари, саноат, қишлоқ хўжалиги, фан, маориф ва маданият ҳамда транспортнинг барча етакчи соҳа ва тармоқларига картографик тавсиф берилган. Атласда биринчи марта меҳнат ресурслари, ёқилғи-энергетика ва нефть-кимё саноати, дончилик хариталари берилган. Шунингдек, атласда алоҳида туристик харита, халқ таълими, олий, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари, соғлиқни сақлаш, маданият хариталари ҳамда Тошкент, Хива, Самарқанд ва Бухоро шаҳарларининг туристик схемалари берилган.




2001 йилда мустақилликнинг 10 йиллигига бағишлаб Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари Давлат Қўмитаси томонидан «Ўзбекистон Республикасининг Ер ресурслари атласи» чоп этилди. Атласнинг асосий

хариталари 1:400 000; 1:600 000; 1:2 000 000; 1:2 500 000; 1:3 000 000 масштабларда тузилган.

Атласда Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Ўзбекистоннинг Ер фонди ва суғориладиган ерларнинг сифат таснифи, сув хўжалиги, тупроқлар, эрозияга қарши тадбирлар, яйловлар, суғориладиган ерларнинг сифати ва қиймати бўйича баҳолаш, суғориладиган ерларнинг шўрланиши, гипсланиши ва тошлоқлиги даражаси, табиий-қишлоқ хўжалиги районлаштириш схемаси берилган. Барча хариталарнинг асосий мазмуни қўшимча матн, жадвал ва диаграммалар билан бойитилган. Мазкур атлас мамлакатимиз Ер ресурсларининг умумий тавсифи, ҳолати ва ерлардан фойдаланиш масалалари билан қизиқувчи кенг

жамоатчиликни ҳамда аграр соҳада фаолият юритувчи мутахассисларни, олимларни, стажёр-тадқиқотчи изланувчиларни зарур рақамли ва картографик ахборотлар билан таъминлашда катта аҳамиятга эга.

2005 йили «Ергеодезкадастр» Давлат Қўмитаси тасарруфидаги «Картография» илмий-ишлаб чиқариш давлат корхонасида илк бор «Ўзбекистоннинг этно-конфессионал атласи» яратилди. Атласнинг қоғоз бичими 62x92 см. Хариталар 1:800 000 дан 1:3 600 000 гача бўлган масштабларда тузилган. Атласда Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар, Тошкент шаҳри ва Ўзбекистон Республикасининг этно-



конфессионал хариталари берилган. Хариталарда картограмма усули билан аҳолининг зичлиги (1 кв.км.га тўғри келадиган аҳоли сони), белгилар усули билан шаҳарлар ва уларда яшовчи аҳоли сони, шунингдек, шаҳарчалар ва қишлоқлар тасвирланган. Асосий харита билан харита рамкалари орасида бўш қолган жойларда рўйхатга олинган диний ташкилотларнинг номи ва сони, фаолият юритаётган масжидлар сони, аҳолининг қайси динларга эътиқод қилиши, аҳолининг миллий таркиби ва фаолият юритаётган олий ва ўрта махсус маълумотли имомлар сонини кўрсатувчи диаграммалар, мавзуга оид фотосуратлар берилган. Атласда республикамиз аҳолисининг этник таркиби, фаолият юритаётган миллий-маданий марказлар, шунингдек, диний-маърифий соҳада олиб борилаётган ишлар билан боғлиқ масалалар тизимли ёндашув асосида кўргазмали ёритилган. Шак-шубҳасиз, атлас ўқувчиларда қизиқиш уйғотиб, мамлакатимизда мустақиллик йилларида мазкур йўналишда амалга оширилган улкан ва хайрли ишларнинг кўламини чуқурроқ билиш ва теранроқ англаб етишга хизмат қилади.



2006 йили Ўзбекистон Миллий университети олимлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологиялар марказининг инновацион дастури доирасида «Ўзбекистон Ер усти сувлари атласи» яратилди. Атлас таркибига киритилган хариталарнинг махсус мазмунини ишлаб чиқишда ЎзМУ олимларидан ташқари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати маркази (Ўзгидромет), ЎзРФА Сув муаммолари институти, «Ергеодезкадастр» Давлат Қўмитаси тасарруфидаги Геодезия ва картография Миллий маркази, САНИИРИ ва бошқа тармоқ илмий-тадқиқот муассасаларининг етакчи мутахассислари фаол иштирок этдилар. Муаллифлар атласни тайёрлашда асосий бирламчи маълумотлар сифатида Ўзбекистон ва қўшни давлатлар Гидрометеорология хизмати ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги, Энергетика вазирликлари тизимидаги гидрологик станция ва постларда олиб борилган кузатишлар маълумотлари билан бир қаторда махсус гидрологик, гляциологик экспедициялар материалларидан унумли фойдаланилган. Шунинг алоҳида таъкидлаш жоизки, атласни лойиҳалаш ва тузиш бутунлай янги технологиялар асосида амалга оширилган. Атлас ўзаро боғланган ва бир-бирини тўлдирадиган 22 та харитадан ташкил топган бўлиб, уларнинг асосий мазмуни махсус кесмалар, диаграммалар, графиклар ва жадваллар билан бойитилган. Атласда мамлакатимиз Ер усти сувларининг миқдор ва сифат кўрсаткичлари ҳақида фундаментал маълумотлар берилган. Мазкур маълумотлар, биринчидан, Ўзбекистон Ер усти сувларининг ҳозирги ҳолатини ҳам миқдор, ҳам сифат жиҳатидан баҳолашга имкон берса, иккинчидан, сув ресурсларини айни кунда фаолият кўрсатаётган гидротехник иншоотлар ва ирригация тармоқлари ёрдамида самарали бошқариш ва улардан аниқ

мақсадларда унумли фойдаланиш имконини беради. Ҳозирги пайтда атласдан нафақат ўқув жараёнида, балки соҳа илмий тадқиқот ишларида ва амалиётда ҳам кенг фойдаланилмоқда.



2006 йили «Ергеодезкадастр» тасарруфидаги «Картография» илмий ишлаб чиқариш давлат корхонасида мустақилликнинг 15 йиллигига бағишлаб «Ташкент атласи» нашрга тайёрланди ва чоп этилди. Атласнинг қоғоз бичими 62x92 см. Атлас Марказий аэрогеодезия корхонасининг космик суратлар бўйича янгиланган 1:10 000 масштаби топографик материаллари асосида замонавий электрон технологиялардан фойдаланиб тайёрланган. Атласда шаҳар

марказининг муфассал (масштаби 1:5 000) хариталари, шаҳар харитаси (масштаби 1:10 000) берилган бўлиб, уларда шаҳарнинг диққатга сазовор жойлари (маданий мерос объектлари), хизмат кўрсатиш шаҳобчалари (ҳокимиятлар, элчихоналар, банклар, темир йўл вокзаллари, автостанциялар, аэропорт, олий таълим муассасалари, тиббиёт муассасалари, супермаркетлар, савдо марказлари, бозорлар, ресторанлар, туристик ташкилотлар, меҳмонхоналар, спорт саройлари, марказий телеграф, музейлар, театрлар, кўргазма заллари, кинотеатрлар, цирк, ҳайвонот боғи, ёдгорликлар, масжидлар ва бошқалар) батафсил кўрсатилган. Хариталарни географик асосида шаҳар туманларининг чегараси ва номлари, кварталлар (дахалар), йўллар, ўсимлик қоплами, гидрография тармоқлари аниқ кўрсатилган. Атласнинг якуний қисмида диққатга сазовор жойларнинг, хизмат кўрсатиш объектларининг ҳамда кўчаларнинг манзиллари берилган.

Ҳозирги вақтда бутун дунёда, шу жумладан, республикамизда ҳам табиий муҳитга антропоген таъсирнинг ошиши кузатилмоқда, бу эса ўз навбатида табиий жараён ва ҳодисалар билан бир қаторда салбий оқибатларнинг намоён бўлишига олиб келмоқда. Улар миқёсининг секин-аста катталашиб, глобаллашиши мамлакатнинг барқарор ривожланишига таҳдид солмоқда.

Сўнгги 50 йил давомида олиб борилган табиий муҳит ҳолатини кузатиш маълумотларининг таҳлили ва умумлаштирилиши, республикамизнинг турли ҳудудларида экологик вазият турлича ривожланиб бораётганлигини ҳамда бунинг ҳар хил табиий-антропоген омиллар билан боғлиқлигини кўрсатмоқда.

Асосий антропоген омиллар қўйидагилар:

- Орол денгизи сатҳининг кескин пасайиб бориши кузатилмоқда, сувнинг минераллашиш даражаси ортиб бормоқда, қирғоқнинг чекиниши давом этмоқда, денгиз кичик қисмларга бўлинган, фауна ва флоранинг ўзгариши ҳамда сув шўрлик даражасининг ошиши давом этмоқда;
- Ўзбекистоннинг тоғли ва баланд тоғли ҳудудларида музликлар майдонининг қисқариши кузатилмоқда, уларнинг парчаланиш, ифлосланиш жараёни тоғ ландшафти, фауна ва флорасининг секин-аста ўзгаришида акс этмоқда;
- тоғ оралиғи ва тоғ олдида жойлашган дарё водийларида Ер ости сувлари минераллашиш даражасининг ортиши, чучук сув захираларининг ифлосланиши ва камайиши, ҳосилдор ерларнинг шўрланиши кузатилмоқда;
- Амударё дельтасида Ер ости сувлари минераллашишининг ортиши давом этаётганлиги ҳамда дельтада жойлашган кўлларнинг қуриб бориши кузатилмоқда;
- умуман олганда, республика бўйича, бутун дунёдагидек ҳароратнинг ошиши кузатилмоқда;
- ҳозирги пайтда табиатга бўлган салбий таъсирларни чеклаш ҳамда экологик вазиятни яхшилаш мақсадида республикамизда ҳукуматнинг экологик вазиятни барқарорлаштиришга ёрдам кўрсатадиган қатор мақсадли чоратадбирлари амалга оширилмоқда.


2007 йили Ўзбекистон Миллий университети томонидан илк бор «Ўзбекистон Республикасининг экологик атласи» яратилди. Атласда республикадаги экологик вазиятнинг алоҳида жиҳатларини акс эттирувчи 30 тадан ортиқ харита берилган. Атласнинг асосий хариталари 1:4 000 000, 1:5 000 000, 1:7 500 000 ва 1:10 000 000 масштабларда тузилган. Атлас ГИС (географик ахборот тизимлари) технологиялари асосида яратилган, олий ўқув юртлари, илмий тадқиқот институтлари ҳамда республикадаги мавжуд экологик муаммолар билан қизиқувчи мутахассислар учун мўлжалланган.



Атлас хариталарини тузишда ЎЗМУ олимларидан ташқари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати маркази (Ўзгидромет), Табиатни муҳофаза қилиш, Геология ва минерал ресурслар бўйича давлат қўмиталари, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг Геология ва геофизика ҳамда академик Ғ.А. Мавлонов номидаги Сейсмология институтлари, «Ергеодезкадастр» Давлат Қўмитаси тасарруфидаги «Геодезия ва картография миллий маркази», «ГИДРОИНГЕО» институти ҳамда «Тупроқшунослик ва агрокимё» илмий тадқиқот давлат институти ва Тошкент давлат Аграр университети олимлари иштирок этган.

Атласда илк бор Ер ости сувларининг гидроэкология харитаси, Ўзбекистон экосистемаларининг асосий типлари, гидрографик тармоқларнинг 1940, 1980 ва 2007 йиллардаги ҳолати бўйича динамикаси, Ўзбекистоннинг гидроэкология, тупроқ экология, геоэкология (рельеф пластикаси асосида) ландшафт экология, ерларнинг чўллашиши, шунингдек, Ўзбекистон доирасида

кўриқланадиган табиий ва энг муҳим орнитологик ҳудудларнинг хариталари ҳамда Ўзбекистоннинг урбанизациялашган ҳудудларида ҳавонинг ифлосланиши каби хариталар берилган. Барча хариталарнинг мазмуни кесма хариталар, диаграммалар, жадваллар, графиклар ҳамда тушунтириш матнлари билан тўлдирилган. Мазкур атласнинг муҳимлигини тўлиқ эътироф этган ҳолда, хариталарнинг мазмунини, географик асосини, компоновкасини ва дизайнини такомиллаштириб, етарли нусхада ўзбек ва рус тилларида қайта чоп этилишига умид билдириб қоламиз.



2008 йили «Картография» илмий ишлаб-чиқариш давлат корхонасида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ривожланиш дастури Қўшма лойиҳаси асосида «Ўзбекистонда атроф-муҳит ҳолатини экологик кўрсаткичлар

асосида баҳолаш атласи» тузилди ва нашр этилди. Атласда 50 дан ортиқ 1:1 000 000, 1:2 500 000, 1: 5 000 000 ва 1:7 500 000 масштабларда тузилган умумий географик ва мавзули хариталар берилган. Уларда атроф-муҳит ҳолати; вилоятлар бўйича атмосферанинг ифлосланиши; Ер усти ва Ер ости сувларининг ифлосланиши, вилоятлар бўйича суғориладиган ҳудудларнинг шўрланиши; Ўзбекистон «Қизил китоби»га киритилган ҳайвонлар турларининг яшаш жойлари ва республикамиз сув ресурслари ҳамда гидрологик режимга таъсир этувчи омиллар кўрсатилган. Лойиҳада географик ахборот тизими дастурлари билан бирлаштирилган экологик мезонлар (индикаторлар) ахборот базаси яратилди. Унга асосланиб, атроф-муҳит ҳолатини тасвирловчи хариталар тизими тайёрланди. Хариталарда 2000-2006 йиллардаги атроф-муҳит ҳолати тавсифланган. Атлас атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва қайта тиклаш мақсадидаги ишларда фойдали бўлиб, эришилган натижалар

мониторинги учун асос бўлиб хизмат қилади. Атлас нафақат мутахассислар ва раҳбар ходимлар, балки миллий бойлигимиз – Ўзбекистоннинг бой табиатига бефарқ бўлмаган китобхонларнинг кенг доираси эътиборини ҳам ўзига тортади.


2009 йил 5-6 май кунлари Ўзбекистон Миллий университетида «Ўзбекистон миллий атласини яратишнинг илмий-услубий асослари» мавзусида Республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.

Конференцияда қуйидаги йўналишлар бўйича маърузалар муҳокама қилинди:

- миллий атласлар-моҳияти, тарихи, ҳозирги ҳолати ва истиқболлари;
- Ўзбекистон миллий атласини яратишнинг илмий ва илмий-услубий масалалари;
- табиий шароит ва табиий ресурсларни тавсифловчи хариталарни лойиҳалаштириш, тузиш ва таҳрир қилиш масалалари;
- социал-иқтисодий шарт-шароитлар ва фаолиятни тавсифловчи хариталарни лойиҳалаштириш, тузиш ва таҳрир қилиш масалалари;
- иқтисодиётда (соҳалар бўйича), таълим жараёнида ва мамлакат мудофаасида хариталардан самарали фойдаланиш масалалари;
- геодезия, картография ва кадастр соҳаларига малакали кадрлар тайёрлаш масалалари.

Конференция ишида Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг тармоқ институтлари ва бўлимларининг олимлари, олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари, «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси таркибига кирувчи соҳа ишлаб чиқариш корхоналарининг малакали мутахассислари, стажёр-тадқиқотчи-изланувчилар қатнашдилар ва соҳа ривожланишига оид тегишли муҳим қарорларни қабул қилдилар.

2010 йили «Ергеодезкадастр» Давлат Қўмитасининг топшириғига биноан ушбу қўмита тасарруфидаги «Тупроқшунослик ва агрокимё» илмий тадқиқот давлат институти олимлари томонидан республикамызда биринчи марта «Ўзбекистон Республикаси тупроқ қопламлари атласи» яратилди. Атласни нашрга тайёрлаш ва нашр этиш «Картография» илмий ишлаб чиқариш давлат корхонаси ходимлари томонидан амалга оширилди. Атласнинг қоғоз бичими 70x100 см.



Карталар 1:350 000; 1:400 000; 1:600 000; 1:750 000; 1:800 000; 1:2 000 000; 1:2 500 000; 1:4 000 000 масштабларда тузилган. Атласда Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Ўзбекистоннинг тупроқ хариталари берилган. Шунингдек, атласда республикамызнинг тупроқ-географик ва геоморфологик районлаштириш хариталари берилган. Тупроқ хариталарида сифатли ранг (фон) усули билан баландлик минтақаси тупроқлари бешта гуруҳга, яъни, оч қўнғир, жигарранг, тўқ тусли бўз, типик бўз ва оч тусли бўз тупроқлар минтақасига ажратиб тасвирланган. Чўл зонаси тупроқлари эса иккита гуруҳга, яъни мўътадил суббореал, иссиқ ва илиқ субтропик кичик чўл зонасига ажратиб тасвирланган. Картографик тасвирлаш усуллари ва график воситалар ёрдамида республика Ер фондининг ҳозирги пайтдаги қопламлари аниқ тасвирланган.

Тупроқ ҳосил бўлишининг зонал-минтақавий ва провинциал-иқлимий қонуниятлари асосида тупроқларнинг генетик хилма-хиллиги кўрсатилган. Атлас таркибига киритилган хариталар ва бошқа матнли ҳамда график материаллар бошқарувнинг турли

босқичларида тупроқ унумдорлигини ошириш, мелиорациялаш, ерларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш бўйича энг тежамли ва самарали усулларни аниқлашга ва қўллашга имкон беради. Шубҳасиз, мазкур атлас республикамиз иқтисодиётининг энг муҳим тармоқларидан бири бўлган қишлоқ хўжалигига ихтисослашган корхоналар ишчи-хизматчилари, илмий тадқиқот институтлари ходимлари, олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, тупроқшунос-амалиётчилар, шунингдек, стажёр-тадқиқотчи-изланувчилар фаолиятида муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

«Ўзбекистон географик атласи» 2012-2016 йилларда «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси тасарруфидаги «Картография» илмий ишлаб чиқариш давлат корхонаси томонидан ўзбек ва рус тилларида нашр этилди. Атласнинг қоғоз бичими 61x42 см. Асосий хариталарининг масштаби 1:2 500 000 ва 1:3 500 000. Атлас 12 та алоҳида-алоҳида бўлимдан иборат бўлиб, унда 134 та кўп рангли умумгеографик ва мавзули хариталар берилган. Атласда мамлакатимизнинг бетакрор табиий шароити ва табиий ресурсларига системали ёндашув асосида атрофлича картографик тавсиф берилган. Хариталар табиий шароит ва ресурсларни муфассал ўрганиш учун бой материални ўз ичига олиб, табиатнинг ҳар бир компоненти бўйича аниқ маълумот олиш имконини беради. Бунга соҳавий районлаштириш ва табиий географик районлаштириш ва ландшафт хариталари ёрдам беради.



Ўзбекистон географик атласи илмий-маълумотнома типдаги информацион-картографик нашр бўлиб, у фан, ишлаб чиқариш ва маданиятни ҳар хил соҳалари мутахассислари, давлат аппарати ходимлари, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари ўқитувчилари ва талабалари, шунингдек аҳолининг кенг табақаларига мўлжалланган. Атлас 181 бет хариталар ва матнли материалларни қамраб олиб, улар 12 та йирик бўлимларга гуруҳланган.

2011 йил 13-14 май кунлари ЎзМУда «Географик тадқиқотларда картографик методлардан фойдаланиш» мавзусида республика миқёсида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Конференция Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 20 йиллигига ҳамда ЎзМУ Геодезия, картография ва кадастр кафедрасининг 90 йиллигига бағишланди. Конференцияда Ер ҳақидаги фанлар, хусусан географик фанлар тизимида картографик методлардан фойдаланиш, геодезия, картография ва кадастр соҳаларда малакали кадрларни тайёрлаш, соҳа корхоналари билан ўзаро корпоратив ҳамкорлик, янги типдаги картографик асарларни яратиш ва чоп этишнинг ҳозирги ҳолати ҳамда истиқболларига бағишланган масалалар атрофлича муҳокама қилинди ва уларнинг истиқболи бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

2014 йил 28 март куни «Ергеодезкадастр» тизимидаги «Картография» илмий-ишлаб чиқариш давлат корхонасида «Ўзбекистонда комплекс ва мавзули харитага олиш: тарих, назария, методлар, амалиёт» мавзусида республика миқёсида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Конференция «Картография» илмий-ишлаб чиқариш давлат корхонаси ташкил топганлигининг 80 йиллигига бағишланган. Унда Ўзбекистонда картографиянинг шаклланиши, ҳозирги ҳолати, истиқболлари ҳамда уларни ривожланишида корхонанинг ўрни ва ролига бағишланган масалалар атрофлича муҳокама қилинди ва уларнинг истиқболлари бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

2016 йили Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 25 йиллигига бағишлаб «Минерал ресурслар илмий тадқиқот институти» Давлат корхонаси томонидан «Ўзбекистон Республикасининг

геологик хариталари атласи» яратилди. Атлас «Ергеодезкадастр» давлат кўмитаси тасарруфидаги «Картография» илмий ишлаб чиқариш Давлат корхонасида нашрга тайёрланди ва чоп этилди. Атлас 7 та алоҳида-алоҳида бўлимдан иборат бўлиб, унда 45 та кўп рангли хариталар берилган. Хариталар 1:500 000, 1:750 000, 1:1 000 000, 1:2 500 000 ва 1:7 000 000 масштабларда тузилган. Мазкур атлас ўзбек, рус ва инглиз тилларида параллел чоп этилганлиги билан ҳам аҳамиятлидир.



Атласда республикамиз худудининг географик жойлашуви, геологик тузилиши, гидрогеологик ва геофизик тавсифи келтирилган. Атлас геодинамик, сейсмик, гидрогеологик районлаштириш; геологик, фойдали қазилмалар, ландшафт, геоморфологик, тектоник, аномал магнит майдонлари хариталари ва бошқалардан иборат. Атлас соҳа мутахассисларига, тадқиқотчиларга, олий ўқув юртлари бакалавриатура ва магистратура босқичи талабаларига мўлжалланган.

1.4. АТЛАСЛАР ТУРЛАРИ

Хариталарга ўхшаб, атласларни фазовий қамрови бўйича сайёралар (дунё атласлари, Венеранинг, Ойнинг), континентлар, океанлар, йирик географик районларни, вилоятларни, шаҳарларнинг атласларига ажратилади. Атласарни гуруҳлашнинг ҳар хил мезонлари мавжуд, маъмурий бўлиниши, сиёсий, тарихий, табиий, иқтисодий белгиларига кўра, фақат ярим шарларни қамраб оладиган атласлар бор (Ойнинг тескари томони атласи), гуруҳ мамлакатлар атласи (Дунай мамлакатлари атласи), бошқа томондан эса унча катта бўлмаган ҳудудлар ва акваториялар атласи (Қримнинг жанубий қирғоғи атласи, Байкал кўли атласи).

Маълумотларга қараганда, ҳар йили дунё бўйича фазовий қамрови (эгаллаган майдони), мазмуни, мақсади ва бичими (формати) бўйича минглаб ҳар хил омиллар чоп этилади. Атласларнинг таснифи ҳам географик хариталарнинг таснифига мос равишда амалга оширилади.

Атласлар фазовий қамровига кўра қуйидагиларга бўлинади:

- Сайёралар атласлари (дунё атласлари, Венера, Ой атласлари);
- Алоҳида континентларнинг ёки уларнинг айрим қисмлари (бўлаклари) атласи (Антарктида атласи, Дунайбўйи мамлакатлари атласи);
- Алоҳида давлатларнинг атласлари (Ўзбекистон атласи, Тожикистон атласи, Озарбайжон атласи, Грузия атласи);
- Регионал атласлар-давлатларнинг айрим қисмлари атласлари (Қорақалпағистон Республикаси атласи, алоҳида вилоятлар атласи (Тошкент вилояти атласи, Самарқанд вилояти атласи);
- Шаҳарлар атласи (Тошкент шаҳарининг географик атласи, Ленинград шаҳарининг тарихий географик атласи, Париж ва Париж райони атласи);

Ҳудди шундай бўлиш (таснифлаш) акваториялар атласлари – океанлар ва уларнинг йирик қисмлари (уч қисмлик Океанлар атласи); денгиз атласлари (уч қисмлик Денгиз атласи); йирик кўллар атласи (Байкал кўли атласи, Қримни жанубий қирғоғи атласи).

Атласларни мавзуси бўйича яна **комплекс** (табиат, аҳоли ва хўжалик хариталарни ўз ичига олган), **соҳавий** (қишлоқ хўжалиги атласи, саноат атласи), ва **тор соҳавий** (доривор ўсимликларнинг ареаллари атласи, АҚШ алоҳида округларининг тупроқ атласлари).

Амалий нуқтани назардан атласларни **мақсадига** кўра таснифлаш анча фойдали. Мақсадига кўра атласлар қуйидагиларга бўлинади: маълумотнома, илмий-маълумотнома, оммабоп, ўқув, туристик, йўл, ҳарбий ва бошқалар.

Маълумотнома атласлар – бу одатда ландшафтнинг асосий элементлари – рельеф, гидрография объектлари, тупроқ, ўсимлик ва грунт кўрсаткичлари ҳамда аҳоли пунктлари, йўллар ва чегараларни имкон қадар батафсил тасвирлаб берадиган умумгеографик ва сиёсий-маъмурий атласлардир. 1999 йилда Россияда параллел рус ва инглиз тилларида чоп этилган маълумотнома «**Дунё атласи**» (3-нашри), бу типдаги атласларга ажойиб мисол бўлади. Унда алифбо тартибида қарийиб 250 мингга яқин географик номлар кўрсатилган ва бошқа зарур маълумотлар берилган. Унинг таркиби бу типдаги маълумотнома атласлар учун характерлидир. Атлас саккизта бўлимдан ташкил топган: дунё хариталари, Россия хариталари, хорижий Европа, Осиё, Африка, Америка, Австралия ва Океания, Арктика ва Антарктида, Атлантика, Ҳинд ва Тинч океанининг хариталари. Атласда, шунингдек, дунёдаги энг йирик шаҳарларнинг планлари берилган.

Илмий-маълумотнома атласлар – ҳудудни анча тўлиқ ва илмий ишланган тавсифини қамраб олган картографик асарлардир. Кўпинча бу кўп жилдли нашрлар бўлиб, улар ҳудудларда тизимли тасаввур берадилар. Улар асосан олимлар, раҳбарлар, режалаштириш органлари ва бошқалар учун мўлжалланган бўлади. 1974, 1977 ва 1980 йилларда чоп этилган кўп жилдли «**Океанлар атласи**», 1964 йили чоп этилган «**Дунёни табиий географик атласи**», 1997 йили чоп этилган «**Дунёни қор-муз ресурслари атласи**» ана шундай атласлар турига киради.

1999 йили Россия Фанлар академияси томонидан яратилган «**Дунё табиати ва ресурслари**» атласи Россия ва дунё картографиясидаги энг ноёб картографик асар ҳисобланади. Унинг

устида Ер ҳақидаги фанлар соҳасида фаолият юритадиган 300 дан ортиқ мутахассислар қарийиб 10 йил меҳнат қилдилар. Икки жилдли катта форматдаги (35x49 см) мазкур атласда она сайёрамиз Ернинг географияси ва геологияси, чунончи минерология, тупроқшунослик, метеорология ва иқлимшунослик, экология, биология ва тиббиёт географиясига оид фан соҳаларини қамраб олган энг замонавий илмий қайта ишланган картографик маълумотлар берилган. Атлас жуда кўп космик суратлар ва географик баёнлар билан бирга берилган.

Оммабоп атласлар – кенг доирадаги китобхонларга мўлжалланган, улар ҳамма тушунадиган, улардан фойдаланиш алоҳида тайёргарликни талаб этмайди.

Мазмуни буйича атласлар қуйидагиларга бўлинади:

Умумгеографик атласлар

Табиий географик атласлар:

- Геологик
- Геофизик
- Иқлим
- Океонологик
- Гидрографик
- Тупроқ
- Зоогеографик
- Тиббий географик
- Комплекс табиий географик

Социал-иқтисодий атласлар:

- Аҳоли
- Саноат
- Қишлоқ ва ўрмон хўжалиги
- Маданият
- Сиёсий-маъмурий бўлиниш
- Комплекс социал-иқтисодий

Экологик-географик атласлар:

- Муҳитга ва уни алоҳида компонентларига таъсир этувчи омиллар
- Таъсир этиш оқибатлари ва муҳитни ифлосланиши
- Экологик ҳолатлар

- Аҳолини яшаш шароитлари
- Экологик хавфсизлик

Тарихий атласлар:

- Қадимги дунё
- Ўрта асрлар
- Энг янги тарих
- Ҳарбий-тарихий

Умумий комплекс атласлар – амалий нуқтаи назардан, атласларни мақсади буйича гуруҳлаш анча фойдалидир. Унга мувофиқ атласларни маълумотнома, илмий-маълумотнома, оммабоп, ўқув, туристик, йўл, ҳарбий ва ҳ.к.га ажратиш мумкин.

Маълумотнома атласлар – бу одатда умумгеографик элементларни – рельеф, гидрография объектлари, тупроқ, ўсимлик ва грунт кўрсаткичларини, йўл тармоқлари, чегараларни имкон қадар батафсил тасвирлаб берадиган умумгеографик ва сиёсий-маъмурий атласлардир. Бу турдаги атласлар номенклатурага нисбатан айниқса аниқдир, уларда жуда кўп географик номлар кўрсаткичлари ва бошқа зарур маълумотлар бирга қўшиб берилади.

Бу турдаги картографик асарларга Россиянинг маълумотнома «Дунё атласи» (3-нашри, 1999) ажойиб мисол бўлади. Унда алифбо тартибида 250 мингга яқин географик номлар кўрсаткичи мос индекслар системаси билан мазкур атлас параллел инглиз тилида ҳам чоп этилган.

Оммабоп атласлар – оддий ўқувчилар учун мўлжаллаган, улар ҳамма тушунадиган, улардан фойдаланиш эса касбий таёргарликни талаб этмайди. Улар ўқувчиларга, сайёҳларга ва ўлкашуносларга, овчиларга ва балиқ овловчиларга мўлжалланган. Шунинг учун атласларга табиат ва иқтисодиётни асосий хариталарини киритадилар, аммо, атласни диққатга сазовор жойлар ва тарихий ёдгорликлар, туристик маршрутлар кўрсатилган хариталар билан тўлдирадилар. Бундай нашрлар одатда ёрқин фотосуратлар, зарур маълумотлар билан бирга берилади. Ушбу гуруҳга ўз ўлкасини ўрганадиган ўқувчилар учун шунингдек, саёҳатчилар ва ўлкашуносларга мўлжалланган ўқув ўлкашунослик атласлари яқин туради.

Маълумки, харита, атлас, глобус сингари картографик асарлар инсониятнинг буюк ижод маҳсулотлари сирасига киради. Зеро, улар объектив дунёни билиш ва ўзгартиришнинг ажойиб воситасидир. Улардан мактаб ўқувчиларидан тортиб турли касб эгалари – муҳандисларгача, жумладан, тадқиқотчилар, географлар, тарихчилар, геологлар, астрономлар, олимлар, фазогирлар, сайёҳлар, ҳарбийлар кенг фойдаланадилар ва ўзларини қизиқтирган саволларга керакли жавобларни топа оладилар.


Географик харита ва атласлар бугун иш фаолиятимиздан, кундалик турмушимиздан кенг ўрин олган. Масалан, олайлик, ҳар куни ойнаи жаҳон орқали бериладиган об-ҳаво маълумотлари, хорижда ва мамлакатимизда юз бераётган муҳим воқеалар, дала ишлари ва йирик қурилишларнинг бориши ҳақидаги янгиликлар, дам олиш кунларига мўлжалланган сайёҳлик сафарлари ва бошқа шу каби маълумотларни харитасиз тезда англаш мумкин эмас.

Кўпгина фанларни, айниқса, географияга оид фанларни харитасиз ўрганишни тасаввур ҳам қила олмаймиз. География фанининг, хусусан иқтисодий-география ва иқтисодий-картографиянинг асосчиларидан бири бўлган Н.Н.Баранский (1881-1963 йй.) **«Харита – географиянинг альфа ва омегаси»**, **«Харита – географиянинг иккинчи тили»**, **«Географик тадқиқотлар хариталар билан бошланади ва яқунланади»** деб мутлақо тўғри қайд этган эди.

Харита ва атласларни нафақат кўргазмали қурол, балки жой тўғрисидаги билимларнинг аниқ фазовий-худудий тасвирий манбаи ҳам дейиш мумкин. Ер ҳақидаги фанларда ҳар қандай тадқиқот харита билан бошланиб, харита билан тугалланади. Уларда она сайёрамиз – Ер ҳақидаги жуда бой маълумотлар қамраб олинган. Хариталар асосида қуруқлик ва океанларнинг ўзаро жойлашиши, худудий уйғунлиги, катта кичиклиги, баландлиги, чуқурлиги, мамлакатлар орасидаги транспорт, иқтисодий, маданий ва илмий алоқаларни, тарих, зоология, биология, экология ва бошқа шу каби соҳаларга оид минглаб воқеа ва ҳодисаларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва билиш мумкин. Бинобарин, хариталар орқали дунё океани туби, Ер қобиғининг тузилиши, жанговор юришларни, доимий қор ва

музликлар билан қопланган худудларни «кўриш» мумкин ва ҳатто, келажакка ҳам назар ташласа бўлади. Харита ва атласларнинг фан оламидаги бундай улкан аҳамиятини эътиборга олиб, «Ергеодезкадастр» тасарруфидаги «Картография» илмий ишлаб чиқариш давлат корхонаси жамоаси ҳар йили турли хил масштабдаги ва мавзудаги умумгеографик, мавзули ва комплекс илмий-маълумотнома, ўқув, оммабоп харита ва атласларни нашрга тайёрламоқда ва уларни мунтазам чоп этмоқда.

Бинобарин, 2014-2016 йиллар мобайнида мазкур корхонада Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларнинг ўлкашунослик атласларини нашрга тайёрлаш ва нашр этиш ишлари ниҳоясига етказилди.



Мазкур ўлкашунослик атласларининг мақсади, таркиби, мазмуни ва ҳажми аввал шу типдаги атласлар учун ишлаб чиқилган умумий дастурга мос келади. Албатта, алоҳида бўлимлар хариталарини сонини ва мавзуини белгилашда Қорақалпоғистон Республикаси ва қолган барча вилоятларнинг ўзига хос табиий ва социал-иқтисодий шарт-шароитлари ҳисобга олинган. Атласлар типини бўйича комплекс картографик асарлар гуруҳига киради. Улар ўқув-маълумотнома қўлланма ҳисобланиб, умумтаълим муассасалари, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ва шунингдек, олий таълим муассасаларида ўз ўлкасининг табиий ва социал-иқтисодий

географиясини чуқур ўрганиш учун мўлжалланган. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, республикамизда ҳали шу пайтгача ўқув-ўлкашунослик мақсадлари учун бундай атласларнинг тўлиқ тизими яратилмаган эди.

Атласларнинг қоғоз бичими (формати) 62x94. Умумий ҳажми 56 бет. Уларга 40 дан ортиқ харита, турли хил диаграмма ва графиклар, тушунтириш матнлари, табиий, маъмурий ва хўжалик объектларининг фотосуратлари киритилган. Атласларнинг таркибий тузилиши ва хариталарнинг махсус мазмуни умумтаълим муассасалари учун тузилган намунавий ўқув дастурларига ва дасрликларига мос ҳолда ишлаб чиқилган. Алоҳида хариталарни лойиҳалаштириш ва тузишда тегишли соҳа олимлари, малакали мутахассислар, шунингдек, умумтаълим муассасаларининг тажрибали методистлари иштирок этган.

Хариталар тенг томонли конусли андоза (проекция)да тузилган. Қабул қилинган андоза ва масштаблар қатори хариталарни ўзаро солиштириш, таққослаш ҳамда харитага олинаётган воқеа ва ҳодисалар орасидаги ўзаро боғлиқликни ва алоқадорликни кузатишга имкон беради.

Барча ижтимоий-иқтисодий хариталарнинг махсус мазмуни вилоят ҳокимиятлари, вилоятлар Ер ресурслари ва давлат кадастрлари бошқармалари кўмагида ҳамда вилоятлар статистика бошқармалари томонидан тақдим этилган статистик маълумотлар асосида тайёрланган. Адабиёт манбаларидан Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганишда, маълумотларга аниқлик киритишда ҳамда ҳар бир атлас бошида бериладиган матнларни ёзишда фойдаланилган. Атлас(лар) хариталарини тузишда мавжуд картографик белгилар ва картографик тасвирлаш усулларида ҳамда уларни модификацияларидан кенг фойдаланилган.

Айтиш лозимки, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларни ўлкашунослик атласларининг тўлиқ чоп этилиши жуда катта тарихий воқеадир. Уларнинг умумтаълим муассасалари, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчилари, олий таълим муассасалари талабалари, профессор-ўқитувчи ходимлари,

тадқиқотчи-изланувчилари, қолаверса кенг китобхонлар оммаси учун муҳим тасвирий қўлланма бўлиб қолиши шубҳасиздир.

2015-2016 йилдан бошлаб «Ергеодезкадастр» тасарруфидаги «Картография» илмий ишлаб чиқариш давлат корхонаси Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирлиги Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, улардан фойдаланиш илмий-ишлаб чиқариш Бош бошқармаси билан ҳамкорликда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларнинг маданий мерос объектлари атласларини тузиш ҳамда нашр этишга тайёрланмоқда.

2016 йилда илк бор **«Самарқанд вилояти маданий мерос объектлари атласи»** чоп этилди. Атласнинг қоғоз бичими 62x94. Асосий хариталар 1:200 000; 1:250 000; 1:400 000 ва 1:700 000 масштабларда тузилган. Атласда жами 19 харита берилган бўлиб, уларда Қорақалпоғистон Республикаси ва маданий мерос объектларининг сони, геометрик белгилар билан уларни тури (археология, архитектура ва монументал санъат ёдгорликлари) географик жойлашуви ҳамда уларни Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўйича туманлар кесимида тақсимланиши берилган. Алоҳида саккиз қиррали юлдуз билан таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Бирлашган миллатлар ташкилоти (ЮНЕСКО)нинг «Дунё маданий ва табиий мерослари» руйхатига киритилган ёдгорликлари кўп бўлган тарихий шаҳарлар – Хива, Бухоро, Қарши, Шаҳрисабз, Самарқанд, Жиззах, Қўқон, Марғилон, Шаҳрихон, Андижон, Наманган ва Тошкент кўрсатилган.

Қорақалпоғистон Республикаси ва алоҳида туманларнинг (жами 14 та туман) маданий мерос объектлари атласи таркибига киритилган хариталарнинг мазмунини **«Самарқанд вилояти маданий мерос объектлари»** харитаси мисолида кўриб чиқамиз.

Хаританинг математик ва географик асос элементлари: мазкур харита 1:700 000 масштабда (1 сантиметрда 7 км) тузилган. Харита немис олимлари Гаусс ва Крюгерларнинг тенг бурчакли кўндаланг цилиндрик проекциясида ишланган.



Харитада меридианлар ҳар 30 минутдан, паралеллар эса ҳар 20 минутдан ўтказилган. Харитани ушбу минутли рамкасидадан фойдаланиб, исталган нуқтанинг географик координаталарини аниқлаш мумкин.

Хаританинг географик асосида аҳоли пунктлари, чегаралар, алоқа йўллари, гидрография, рельеф ва бошқа объектлар кўрсатилган.

Хариталарни чуқур илмий ва амалий аҳамиятига қарамасдан, улар мазмуни бўйича оддий ва уларни ўқиш алоҳида малака ва кўникмаларни талаб этмайди.

Самарқанд шаҳар плани ва алоҳида туманларнинг маданий мерос объектлари хариталарида ҳар бир ёдгорлик рақамланган ва харита билан харита рамкалари орасида бўш қолган жойларда уларни номи ва қайси даврга мансублиги кўрсатилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, атласнинг охирида (агар уларни атласни 2-қисмида десак тўғри бўлади) Самарқанд шаҳри ва ҳар бир тумани бўйича хариталарда қайд этилган маданий мерос объектларини ҳар бирини рангли фотосуратли ва уларни матнли тавсифи берилган. Бу эса, ўз навбатида бутун бир республикани ҳар бир алоҳида олинган туманнинг туристик салоҳиятини ва имкониятларини яққол кўрсатиб беришга имкон беради. Хариталар воситасида келгусида маданий мерос объектларида ва уларни атрофида амалга ошириладиган кенг кўламли таъмирлаш, ободонлаштириш ва биринчи навбатда зарур бўладиган ижтимоий инфратузилма объектларини қуриш ва ишга тушириш ишларини

илмий асосда бажариш мумкин бўлади. Ҳозирги пайтда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларнинг маданий мерос объектлари атласларини тузиш ва нашр этиш ишлари «Картография» илмий ишлаб чиқариш давлат корхонасида ниҳоясига етказилмоқда. Атласларнинг республикамизда туристик индустрияни ривожлантиришда, кишиларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда ва маданий саводхонлигини оширишда катта аҳамиятга эга.

Бошланғич, ўрта ва олий мактабларда қўллашга йўналтирилган **ўқув атласлари** гуруҳи аниқ ажралиб туради. Бундай атласларда хариталар тўплами, уларнинг муфассаллик даражаси ва мавзуларни ёритиш чуқурлиги мос ўқув дастурлари билан аниқланади.

Айтиш жоизки, Ўзбекистонда атлас картографияси соҳасида катта ютуқларга эришилганига қарамасдан, ҳали шу пайтгача алоҳида «Дунё ўқув атласи» яратилмаган. Мазкур атласни яратиш – республикамиз географ ва картографларининг долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Дунё ўқув атласи умумтаълим муассасалари ўқувчилари учун мўлжалланган. У ўрта мактаб география курслари бўйича мажбурий қўлланма ҳисобланмайди. Атлас хариталарининг мазмуни мактаб дастури талабларидан сезиларли даражада фарқ қилади. Унинг вазифаси ўқувчиларни географик билимларини кенгайтириш ва чуқурлаштиришдир. Шунингдек, мазкур атлас дунё географияси билан қизиқувчи кенг китобхонлар оммасига ҳам тавсия этилиши мумкин.

Атлас қуйидаги тўртта бўлимдан, чунончи, биринчи бўлим – кириш, иккинчи бўлим – дунё хариталари, учинчи бўлим – материклар ва хорижий давлатлар хариталари ва ниҳоят тўртинчи бўлим – Ўзбекистон Республикаси хариталаридан ташкил топади.

Биринчи бўлим. Кириш

1. Қуёш системаси. Қуёш ва сайёраларнинг таққослама ўлчамлари. Қуёш ва Ойнинг тутилиш схемаси.
2. Градус тўри. Ернинг Қуёш атрофида йиллик ва суткалик ҳаракати. Ернинг иссиқлик минтақалари.
3. Коинотнинг инсон томонидан ўзлаштирилиши. Ой харитаси.

4. Соат минтақалари харитаси. Рельефни тасвирлаш усуллари.
5. Картографик проекциялар.
6. Аэрокосмофотосурат. Жой плани. Ернинг Коинотдан олинган сурати.
7. Топографик харита.
8. Табиий харитада қуруқлик ва сувларнинг тасвирланиши.
9. Денгиз қирғоқларининг турлари.

Иккинчи бўлим. Дунё хариталари

10. Ғарбий ва Шарқий ярим шарларнинг табиий харитаси.
 - Вулқонлар ва зилзилалар
 - Энг баланд чўққилар
 - Океанларнинг энг чуқур жойлари
11. Табиат зоналари
12. Зоогеографик харита
13. Иқлим хариталари
14. Тупроқ харитаси
15. Аҳоли сони ва зичлиги
16. Сиёсий-маъмурий харита
17. Энг муҳим денгиз саёҳатлари ва кашфиётлари

Учинчи бўлим. Материклар ва хорижий давлатларнинг хариталари

Мазкур бўлимда 6 та материк (Евросиё³, Шимолий Америка, Жанубий Америка, Африка, Антарктида, Австралия (Океания билан бирга)) бўйича мавзуи ва мазмуни бир хил бўлган хариталар тизими берилади.

Хариталар қуйидаги кетма-кетликда жойлашади: табиий харита; фойдали қазилма конларини жойлашиши; иқлим хариталари; табиат зоналари; ерлардан фойдаланиш; аҳоли сони ва зичлиги; сиёсий харита. Сўнгра географик ўрнига ҳудудий шаклига ва бошқа белгиларга қараб ҳар бир материкда жойлашган давлатлар гуруҳланади ва ҳар бир гуруҳ бўйича ушбу гуруҳга киритилган


³ Евросиё материғи икки қитғага: Европа ва Осиё бўлиб тасвирланади.

давлатларнинг умумгеографик ва иқтисодий хариталари бериллади. Учинчи бўлим Арктика ва Антарктида хариталари билан яқунланади. Шунингдек, мазкур бўлимда ҳар бир материк хариталаридан кейин ушбу материкда жойлашган дунёнинг энг йирик шаҳарларини планлари ва шаҳарлардаги энг муҳим диққатга сазовор объектлар кўрсатилади.

Тўртинчи бўлим. Ўзбекистон Республикаси хариталари

Ушбу бўлим тўлиқ Ўзбекистон Республикасининг географиясига бағишланади. Унда бериладиган табиий хариталарнинг мавзуи ва мазмуни учинчи бўлимда берилган хариталарга тўлиқ мос келади. Шунингдек, табиий географик районларнинг умумгеографик хариталари, ландшафт харитаси, экологик харита, табиатни муҳофаза қилиш, аҳоли ва агроиклим шароитларига кўра республика ҳудудини минтақаларга бўлиниши ва бошқа хариталар билан тўлдирилади.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини анча тўлиқ тавсифлаш мақсадида, ушбу бўлимга қўшимча қилиб мамлакатимиз саноати, қишлоқ ва ўрмон хўжалиги ҳамда транспортини асосий соҳаларини тавсифловчи қатор бир хил масштабли хариталар киритилади. Бўлим охирида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларнинг алоҳида-алоҳида умумиқтисодий хариталари бериллади. Барча хариталарнинг мазмуни қўшимча график, диаграмма, жадвал ва рангли фотосуратлар билан бойитилади. Сиёсий хариталарда мамлакатларнинг давлат байроқлари тасвирланади. Атласнинг охирида жуда катта ҳажмда зарур маълумотлар (Жаҳон мамлакатларининг майдони, аҳолиси, пойтахти, давлат тузуми, расмий тили, дини, пул бирликлари; муҳим табиий географик объектлар; йирик архипелаг ва ороллар, ярим ороллар, муҳим денгизлар, бўғизлар, чуқур сув ости новлари; қуруқликдаги йирик ботиклар, йирик кўллар, йирик дарёлар; энг баланд тоғ чўққилари ва ҳаракатдаги вулқонлар, энг баланд тоғ тизмалари, йирик ва машҳур шаршаралар, энг йирик карст ғорлари; ва б.) ва географик номлар кўрсаткичи бериллади.



Сўнги йилларда «Туристик ва йўл атласлари» оммалашди. Улар автоҳаваскорларга, спортчиларга, сайёҳларга керак. Уларда туристик объектлар, автомобиль ва темир йўл тармоқлари, кемпинг ва автосайёҳлар меҳмонхонасининг (мотель) жойлашиши, пиёда ва сувда юришга мўлжалланган ва бошқа сайёҳлик маршрутлари кўрсатилган бўлади.

Олий кўмондонлик таркиби, армия ва флот офицерларига мўлжалланган «**Ҳарбий ва ҳарбий-тарихий атласлар**» алоҳида гуруҳни ташкил этади. Улар ишда қулай, жиҳозланиши бўйича катъий, ҳарбий география ва тарих, дунё мамлакатлари иқтисодиёти ва табиати бўйича зарур материаллар билан тўлдирилган, уларга умумий топография ва астрономия бўйича зарур маълумотлар ҳамда энг йирик шаҳарларнинг планлари қўшилган.

Атласларни бошқа белгилари бўйича ҳам таснифлаш мумкин, масалан, формати (бичими) ва брошюралаш усули бўйича. Стол устида турадиган атлас, жуда катта ва қалин атлас, улардан фақат стол устида фойдаланиш мумкин. Кўпчилик атласлар китоб форматига эга бўлади. Шунингдек, кичик (чўнтак) ва миниатюра атласлар мавжуд, аммо бу охирилари ўзларининг полиграфик ёрқинлиги билан анча қадрланади.

Бу типдаги картографик асарларга ажойиб мисол Россияда чоп этилган маълумотнома «**Дунё Атласи**» бўла олди (3-нашри 1999 йил чоп этилган). Унинг таркиби ушбу типдаги капитал маълумотнома атласлар учун характерлидир. Атлас 8 та бўлимдан ташкил топган: дунё хариталари, Россия, хорижий Европа, Осиё, Африка, Америка, Австралия ва Океания, Арктика ва Антарктика, Атлантика, Хинд ва Тинч океанлар. Шунингдек, атласдан дунёнинг энг йирик шаҳарларининг планлари ҳам жой олган. Асосий хариталарнинг

масштаби 1:1 250 000 дан то 1:7 500 000 гача. Россия регионларининг хариталари 1:2 500 000 масштабда келтирилган, айрим ҳолларда эса 1:1 500 000. Москва ва Санкт-Петербург 1:250 000 масштабда кўрсатилган. Атласда алоҳида ўрин йирик масштабли хариталарга ажратилган (1:250 000 дан 1:1 000 000 гача). Уларда дунёнинг аҳолиси зич жойлашган ва энг муҳим саноат иқтисодий районлари, хусусан Рур области, Ўрта Англия, Марказий Япония, АҚШни Ўрта Атлантика райони ва бошқалар тасвирланган. Бир пайтнинг ўзида, инглиз тилида Дунё Атласининг айнан ўхшаш жилди нашр этилган.

Илмий-маълумотнома атласлар – худудларни энг тўлиқ ва илмий ишончли тавсифларини қамраб олган капитал картографик асарлардир. Кўпинча бу худуд ҳақида тизимли тасаввур берадиган кўп жилдли нашрлардир. Улар асосан олимлар, маъмур(администратор)лар, режалаштириш органлари ва бошқалар учун мўлжалланган бўлади. Кўп жилдли, биринчи учта жилдли 1974, 1977 ва 1980 йилларда нашр этилган «**Океанлар Атласи**», «**Дунёни табиий географик атласи**» (1964); «**Дунёнинг қор-муз ресурслари атласи**» (1997) ва бошқалар.

1999 йили Россия Фанлар Академияси томонидан яратилган «**Дунё табиати ва ресурслари атласи**» Россия ва дунё картографиясининг буюк асари бўлди. Уни устида Ер ҳақидаги фанларнинг 300 дан ортиқ, етакчи мутахассислари қарийб 10 йил меҳнат қилдилар. Катта форматли (35x49 см) 2 жилдли атласда сайёрамизнинг географияси ва геология бўйича, минерология, тупроқшунослик, метеорология ва иқлимшунослик, биология ва тиббиёт географияси каби билим соҳаларини қўшган ҳолда энг замонавий илмий қайта ишланган картографик материаллар келтирилган. Атлас космик суратлар билан бойитилган ва географик баёнлар билан бирга берилган.

Одатда атласлар муқовада брошюраланади, аммо уларни алоҳида папкада ёки жомодон ўлчамдаги яшиқда алоҳида варақлар кўринишида ҳам нашр этилади. Атлас хариталари варақларини таққослаш ва ўзаро солиштириш учун фойдаланиш қулай. Аммо, энг асосийси, бундай атлас учун қўшимча янги харитани чиқариш ҳар доим мумкин ёки эскирганини қайта нашр этишда янгилаш ҳар доим

мумкин. Масалан, айрим мамлакатларнинг миллий атласлари худди шу йўл билан нашр этилади. Янги хариталарни чоп этилиши билан, атласни обуначилари уларни олади ва умумий папкага йиғади. Атлас хариталарини нашр қилиш ва янгилаш кўп йилларга чўзилиши мумкин.

Ҳозирги пайтда анъанавий қоғоз варианты билан бир қаторда компьютер атласларидан, компакт-дисклардаги атласлардан ва ҳатто телекоммуникация тармоқларига жойлаштиришга виртуал атласлардан кенг фойдаланилмоқда.

1.5. МИЛЛИЙ АТЛАСЛАР

1991 йил 31 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари 6-сессиясида мамлакатимизнинг Биринчи президенти Ислоҳ Каримов Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигини эълон қилди. Ўзбекистон ўз парламентиға, байроғига, гербига, мадҳиясига, давлат тилиға эға бўлди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қароргоҳи олдида Ватанимизнинг ҳам байроғи ҳилпираб турибди. Ўтган вақт ичида мамлакатимизда улкан ўзгаришлар содир бўлди. Халқимиз жипслашиб, давлатимиз пойдевори мустаҳкамланди. Ўзбекистон жаҳон миқёсига чиқди. Бугунги Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ҳаётда муҳим ислоҳотларни амалға ошира бориб, ҳар жиҳатдан тараққиёт сари дадил қадам ташламоқда. Ўтган вақт мобайнида сиёсий тузумдан тортиб, иқтисодиётнинг ҳамма тармоқлари, маънавият тубдан ўзгарди. Шу боис, Ўзбекистон тўғрисида батафсил маълумот берадиган миллий нашрларға зарурият кучаймоқда. Хусусан, 12 жилдлик «Ўзбекистон Миллий энциклопедияси»нинг нашр этилиши мамлакатимиз маданий ҳаётида катта воқеа бўлди. Мамлакатимизнинг биринчи Президенти Ислоҳ Каримов миллий қомусимиз ўқитувчиларига йўллаган табриғида *«Ўзбекистон Миллий энциклопедияси»нинг нашр этилиши мустақил тараққиёт йўлида эришаётган ютуқларимизнинг ўзига ҳос кўзгуси, эркин ва озод халқ сифатида юксалишимизнинг яна бир муҳим белгиси, десак асло муболага булмайди»* деган эди.


Миллий атлас – муҳим умумдавлат аҳамиятига молик миллий нашр бўлиб, у алоҳида олинган исталган давлатнинг географик ва геосиёсий ўрни, маъмурий-худудий бўлиниши, табиий шароити ва табиий ресурслари, аҳолиси ва меҳнат ресурслари, иқтисодиёти ва унинг етакчи тармоқлари, менталитети, маданияти ва тарихининг энг муҳим жиҳатларига тўлиқ картографик тавсиф берувчи фундаментал, комплекс илмий-маълумотнома асардир. Шубҳасиз, миллий атласни-миллат кўзгуси, муҳим тасвирий-илмий манба, бебаҳо хазина билиб, уни ҳеч иккиланмасдан миллий энциклопедиялар билан бар қаторда қўйса бўлади. Керак бўлса, у расмий, ҳатто ҳуқуқий-меъёрий (норматив) характерга эга бўлиб, ҳар бир алоҳида олинган мамлакатнинг ташриф варақаси ҳисобланади.

Миллий атласларнинг тарихи аллақачон 100 йиллик маррани хатлаб ўтган. Маълумотларга кўра, биринчи миллий атлас 1899 йили Финляндияда фин География жамияти томонидан чоп этилган. Атласда Финляндиянинг табиий шароити, аҳолиси ва хўжалигига тўлиқ картографик тавсиф берилган. Тўғри, ўша пайтда Финляндия Россия империяси таркибида бўлган, лекин у автономия ҳуқуқига эга эди. Шунинг учун, мазкур атлас фан оламида биринчи миллий атлас деб эътироф этилган. Ундан кейин кетма-кет Миср, Чехословакия ва бошқа давлатларнинг миллий атласлари чоп этилган.

Лекин, бу ишда ҳақиқий юксалиш иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврга тўғри келади. Урушдан кейин, ўнлаб мамлакатлар ўзларини миллий атласларини яратишга киришдилар. Бунда халқаро Географик Иттифоқ томонидан 1956 йили тавсия этилган миллий атласлар бўйича тузилган махсус комиссиянинг фаолияти катта роль ўйнади. Комиссия машҳур хариташунос олим К.А.Салищев раҳбарлигида миллий атласларни яратиш бўйича ягона дастур ва тавсияларни ишлаб чиқди. Уларда ҳақли равишда бир томондан атласлар мазмунини унификациялаш (бир хиллаштириш)нинг мақсадга мувофиқлиги уқтирилган бўлса, бошқа томондан эса ҳар бир алоҳида олинган мамлакатнинг миллий фақат ўзига хос хусусиятларини (спецификасини) ҳисобга олган ҳолда картографик тавсиф бериш зарурияти таъкидланган.

Миллий атласларни яратиш, бу ғоят хайрли сермашаққат ва масъулиятли иш бўлиб, у картографик санъатнинг чўққиси, айти пайтда географ ва картографларнинг миллий маданиятни ривожлантиришга қўшган салмоқли ҳиссаси бўлади. Ҳозирги пайтда картографик нуқтаи назардан қатор ривожланган мамлакатларда (АҚШ, Канада, Россия, ГФР, Австралия, Венгрия ва б.) миллий атласга таалуқли махсус институтлар ташкил этилган бўлиб, улар мунтазам фаолият юритиб, истаган шаклдаги манбаларни (суратли-картографик, график, кесма, диаграмма, жадвал, рақам, матн ва б.) бир жойга тўплайдилар, уларни ўрганиб таҳлил қиладилар, баҳолайдилар ва махсус жойларда сақлайдилар. Шу асосда маълумотларнинг компьютер базаларини (банкларини) яратиб, алоҳида хариталарни ва бутун атлас мазмунини мунтазам янгилаб турадилар. Моҳиятига кўра бундай институтлар давлат геоинформацион марказлари ҳисобланади.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДХ)да биринчилардан бўлиб, **Беларусь** (2002), **Украина** (2007), **Россия** (2007-2010) ва **Қозғистон** (2009) ўзларининг миллий атласларини яратдилар.



Юқоридагиларни эътиборга олиб, Республикамиз раҳбарияти, Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри қўмитаси ва Ўзбекистон Миллий университети ҳамкорлигида диёримизнинг биринчи миллий атласини нашрга таёрлаш ва нашр эттиришни режалаштирди.

Айни пайтда ЎзМУ Геодезия, картография ва кадастр кафедраси жамоаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантириш маркази томонидан маблағ билан таъминланган «**Ўзбекистон миллий атласини яратиш концепциясини ишлаб чиқиш**» мавзuida кенг камровли илмий тадқиқот ишларини олиб бормоқдалар.

Атлас таркибига киритиладиган хариталарни тузишда тегишли нуфузли вазирликлар ва идораларнинг, давлат қўмиталари ва муассасаларининг, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг тармоқ институтлари ва бўлинмаларнинг, агентликларнинг, марказлар ва компанияларнинг, Вазирлар Маҳкамасининг алоҳида соҳалар масалалари бўйича информацион-аналитик департаментларининг, шунингдек, олий таълим муассасаларининг материалларидан кенг фойдаланилади. Атласни лойиҳалаштириш ва тузиш ишларига тегишли соҳа фанларининг етук олимлари ва ишлаб чиқариш корхоналарининг малакали мутахассислари жалб этилади.

Атласнинг мақсади, асосий хариталарнинг масштаби ва Ўзбекистон Республикасининг конфигурациясини (худудларининг шакли ва жойланишини) ҳисобга олиб, унинг формати (бичими) 61x42 см қилиб белгиланди. Асосий хариталарнинг масштаби 1:2 500 000, 1:3 500 000, 1:5 000 000. Шунингдек, иқлим ва ижтимоий инфратузилма хариталарини тузишда 1:7 500 000 ва 1:10 000 000 масштаблардан фойдаланилади. Атласнинг асосий хариталари тўғри тенг томонли конуссимон андозада (проекцияда) тузилади. Рақамли-статистик маълумотлар охириги беш йиллик ҳолати бўйича берилади.

Маълумки исталган атласнинг сифати унинг тўлиқлиги, мукамаллиги ва ички бир бутунлиги билан аниқланади. Бинобарин, атласнинг бош мақсади, мазмуни ва ўйлаб қўйилган асосий ғоясидан келиб чиққан ҳолда, унда барча савол ва мавзулар керакли ва етарли даражада ёритилган бўлса, атлас тўлиқ ҳисобланади.

Ўзбекистон миллий атласининг асосий мақсади – мамлакатимизнинг ўзига хос бетакрор табиий-иқтисодий ва маънавий

салоҳиятини бутун дунёга намоён этишдир. Атласнинг мақсади, унинг асосий мазмунини, структурасини ва ҳажмини белгилайди.

Атласнинг мукамаллигини таъминлашга ундаги мавзулар сонини кўпайтириш билан эмас, балки хариталар сонини кўпайтириш ҳамда улар масштабини кичрайтириш билан ҳам эришиш мумкин. Лекин, айрим хариталар ва мавзулар йирик масштабларни талаб этиши мумкин. Ушбу қарама-қаршиликдан чиқиш йўлини топиш учун ҳақиқатдан ҳам зарур мавзулар қатъий равишда танлаб олиниши ва қолганларини тушириб қолдирилиши ҳамда битта харитада мавзулар мақсадга мувофиқ бирлаштирилиши, минимал ва шу билан бирга етарли масштаблар қатори танланиши лозим.

Атласнинг ички бир бутунлиги унинг таркибига кирадиган хариталарнинг ўзаро бир-бирини тўлдиришини, бир-бирига мувофиқлигини ва таққослаш қулайлигини назарда тутати. Бунга фойдаланиладиган картографик проекциялар ва масштаблар сонини мақсадга мувофиқ танлаш ва чеклаш, бир-бирга боғланган ва бир-бирини тўлдирадиган хариталар учун бир хил географик асос ишлатиш; ҳар хил хариталарини шартли белгиларини кўрсаткичлар ва мукамаллилик жиҳатидан бир-бирига мослаш; саралаш ва умумлаштириш учун кўрсатмалар бирлиги; картографик тасвирлаш усуллари ва картографик белгилар системасини, бўёқларни (рангларни), шрифтларни ўзаро бир-бирга боғлаш; хариталар мазмунини характерли муддатларга (масалан, 2005, 2020 ва ҳ.) тўғрилаш; бўлимлар, мавзулар ва хариталарни мақсадга мувофиқ мантиқан тўғри жойлаштириш ва албатта, атласни яратиш жараёнида унинг ҳар хил бўлимларида (хариталарида) тасвирланадиган ҳодисалар ўртасидаги ўзаро боғлиқликларни ҳисобга олиш туфайли эришилади.

Ўзбекистон миллий атласини шартли равишда икки қисмга бўлиб, нашрга тайёрлаш ва чоп этиш режалаштирилган. Биринчи жилдда мамлакатимизнинг бетакрор табиий шароити ва табиий ресурсларига тизимли ёндашув асосида тулиқ картографик тавсиф бериш режалаштирилган. Иккинчи жилдда эса республикамиз аҳолиси, иқтисодиёти, маданияти ва минг йиллик тарихимизни ўзида мужассамлаштирган, мустақил тараққиёт йулида эришаётган

ютуқларимизни очик-ойдин акс эттирувчи умумлаштирилган, кўп мақсадли «ахборот манбаи»га эга бўлган хариталар воситасида кўргазмали қилиб бериш назарда тутилган. Шу маънода, миллий атласимизни 2000-2006 йиллари нашр этилган миллий қомусимиз билан бир қаторга қўйиш мумкин.

Жилд умумий дастур асосида, яхлит бўлинмас картографик асар сифатида давлат бошқарув тизимида, миллий ва минтақавий иқтисодиётнинг барча соҳаларида шунингдек, миллий хавфсизлик хизматида ва мамлакат мудофаасида, фан ва таълимда, ахборот ресурслари ва коммуникациясида кенг фойдаланиш учун мўлжалланган.

Атласни анъанавий қоғоздан қилинган вариантдан ташқари, уни электрон версиясини ва компакт дискини яратиш ҳам мўлжалланган. Натижада, шахсий компьютери бўлган ҳар бир киши атласдан бемалол фойдалана оладиган бўлади. Бизнинг дастлабки ҳисоб-китобларимизга кўра, атлас қуйидаги бўлимлардан ташкил топиб, шартли равишда 2 қисмга бўлиб нашрга тайёрланади ва чоп этилади.

1-қисм. Ўзбекистоннинг табиий шароити ва табиий ресурслари

- 1. Ўзбекистон Республикасининг умумий тавсифи**
- 2. Геологик тузилиши**
- 3. Фойдали қазилмалари**
- 4. Сейсмик ҳолати**
- 5. Гидрогеология**
- 6. Рельеф**
- 7. Геоморфология**
- 8. Иқлим шароитлари ва ресурслари**
- 9. Ер усти сувлари ва уларнинг ресурслари**
- 10. Тупроқ ва Ер ресурслари**
- 11. Ўсимликлар дунёси ва уларнинг ресурслари**
- 12. Ҳайвонот дунёси ва унинг ресурслари**
- 13. Табиий географик хариталар**
- 14. Ландшафтлар ва табиий географик районлаштириш**

15. Табиий географик жараёнлар
16. Табиий шароитларни баҳолаш
17. Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш
18. Географик номлар кўрсаткичи

**2-қисм. Ўзбекистоннинг аҳолиси ва меҳнат ресурслари,
иқтисодиёти, маданияти ва тарихи**

1. Ўзбекистон Республикасининг умумий тавсифи
2. Аҳоли ва ижтимоий ривожланиш
3. Аҳоли ва меҳнат ресурслари
4. Социал соҳалар
5. Хўжалик ва иқтисодий ривожланиш
6. Ишлаб чиқариш соҳалари
7. Хизмат кўрсатиш соҳалари
8. Инфратузилмалар
9. Инвестициялар (сармоялар)
10. Иқтисодиётнинг ҳудудий хусусиятлари
11. Ўзбекистоннинг умумиқтисодий харитаси
12. Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларнинг умумиқтисодий хариталари
13. Тарих ва археология
14. Ўзбекистоннинг тарихига оид туркум хариталар
15. Археологияга оид туркум хариталар
16. Пойтахт – Тошкент шаҳри, шаҳар маркази ва атрофига оид харита ва харита-схемалар
17. Географик номлар кўрсаткичи

Атласда 300 дан ортиқ рангли харита берилади. Барча асосий хариталарнинг мазмуни турли хил мавзули диаграмма ва графиклар, тушунтириш матнлари, табиий ва хўжалик объектларининг рангли космофотосуратлари билан тўлдирилди.

Атласнинг дастури, макет компоновкаси ва хариталарни муаллифлик макетлари ҳамда атласга тегишли бошқа материаллар атласнинг илмий таҳририй кенгаши томонидан тасдиқланади. Илмий таҳририй кенгаш муассасаларо мувофиқлаштирувчи идора бўлиб, у

хар хил соҳадаги нуфузли илмий, лойиҳавий ва илмий ишлаб чиқариш давлат корхоналарининг вакилларида иборат бўлади.

Ўзбекистон миллий атласини яратиш йирик илмий лойиҳа, шунинг учун бундай шарафли ва масъулиятли вазифани фақат ҳукуматнинг кўмагида амалга ошириш мумкин. Бир вақтнинг ўзида «Ергеодезкадастр» қошида Ўзбекистоннинг миллий-информацион картографик маркази ташкил этилиши керак, у ерда барча зарур фазовий-ҳудудий информация бир жойга тўпланади ва мунтазам янгиланиб турилади.

Ўйлаймизки, Республикамизда атлас картографиясининг бугунги ривожланиш даражаси бу борадаги мавжуд муаммоларни муваффақиятли ҳал этишни тامينлайди.

1.6. АТЛАСЛАР-ГЕОСИСТЕМАЛАРНИНГ МОДЕЛИ СИФАТИДА

Атлас – ўзаро чамбарчас боғланган ва бир-бирини тўлатадиган хариталар тизимини ўз ичига олади. Умуман олганда, атласни географик системани (геосистемалар) модели сифатида қабул қилиш мумкин.

Атлас хариталари системаси бўлимларга бўлинади ва уларни хар бирида асосий ва қўшимча хариталар бор. Аналитик хариталарни серияларида алоҳида кичик системалар ифодаланади (масалан, рельеф, тупроқлар, иқлим) ва геосистема компонентлари (айтайлик, иқлим хариталари кичик системасига ёғинлар, ҳароратлар, устунлик қилувчи шамоллар ва шунга ўхшаш). Бўлимни ёки кичик бўлимни (якдиллиги) асосий харита билан боғлаш орқали эришилади. Ҳар бир харита мазмунини элементларини таксономик бўйсинуви унинг легендаси мантиқи ва тасвирлаш воситаларини саралаб олиш билан таъминланади. Шу геосистема компонентларини иерархияси моделлаштирилади.

Компонентларни ўзаро боғланиши (алоқаси) комплекс ва комплекс-синтетик хариталарда акс этади. Масалан, шамолларнинг ўзаро ҳаракати ва океан оқимлари ёки аҳолини саноат тармоқлари бўйича тақсимланиш хариталари.

Геосистема элементларининг ўзаро алоқаси ва интеграцияси атласнинг синтетик хариталарида кўрсатилади, масалан ландшафт хариталарида, аҳоли яшаш шароитларини табиий ва ижтимоий шароитларини экологик баҳолаш. Бу хариталарни ичида кўпчилиги баҳолаш типдаги хариталарга тааллуқлидир.

Атласларда геосистемаларнинг динамикасини тавсифловчи, модда ва энергияларни кўчиш жараёнлари масалан, ётқизикларни, ҳаво массаларини, саноат товарларини ташишни, нефтни ва газни транспортировка қилиш, жойини ўзгартиришини тавсифловчи хариталар бор. Ривожланиш тенденцияларни эса прогноз хариталарда акс эттиришади.

Шундай қилиб, комплекс атласлар геосистемаларни асосий хусусиятларини моделлаштирадилар, бу мураккаб моделни асосий ютуқларидан бири шундаки, унда информация системалаштирилган, формалаштирилган (ҳодисанинг мазмуний томонини формал система ёки ҳисоблаб аниқлаш тарзида тасвирламоқ) ва ҳамжиҳат кўринишида берилади. Айнан шу туфайли **атлас геоинформацион система ҳисобланади**, у замонавий компьютерли ГИС ни тимсоли бўлиб хизмат қилади. Боз устига ГИС ни кўпинча атласлар асосида яратадилар.

1.7. АТЛАСЛАРНИНГ ИЧКИ БИР БУТУНЛИГИ

Атлас мувофиқлаштирилган фазовий маълумот манбаи ва геосистеманинг модели функциясини бажариш учун, уни ички бир бутунлигини таъминлайдиган маълум шартларга жавоб бериши керак:

Ушбу шартлардан энг асосийлари қуйидагилар:

- атласда ҳар хил картографик проекциялардан кам (минимал) сондаги проекциялардан фойдаланиш керак – бу хариталарни таққослашни осонлаштиради;
- барча хариталар учун битта масштаб бўлгани маъқул, агар буни иложи бўлмаса, масштаблар хариталарни ўзаро таққослашни осонлаштириш учун қаррали қолдиқсиз бўлинадиган бўлиши керак;

- атлас хариталари ягона базавий географик асосларда тузилиши керак;
- атласда аналитик, комплекс ва синтетик хариталар сони орасида маълум балансга риоя (амал) қилиш керак;
- ҳар хил хариталарнинг легендалари, шкаллари ва градацияларини ўзаро мувофиқлаш лозим;
- атлас хариталарида генерализациянинг ягона даражасини ва ҳодисаларини тасвирлашни бир хил муфассаллигига имкон қадар риоя қилиш муҳим;
- ҳар хил мавзудаги хариталарни ўзаро мувофиқлаш мутлақо шарт, контурларини тасвирлашдаги тасодифий фарқларни бартараф қилиш-атласларни яратишда хариталарни мувофиқлаш картографларнинг асосий ташвиши ҳисобланади;
- атласда кўрсатиладиган барча маълумотлар, битта муддатга ягона вақт интервалига келтирилган бўлиши керак;
- хариталарнинг жиҳозлашни умумий принципига, ягона дизайн стилига эга бўлиши керак.

Бу талаблар ҳар доим осон бажарилмайди. Маълум қарама-қаршилиқлар вужудга келади, масалан, масштабларни хилма-хиллигини чегаралаш, алоҳида ҳудудларни анча детал (аниқ) бериш ҳоҳишга қарама-қарши (зид) бўлади, генерализацияга ягона ёндашувни сақлаб қолишга интилиш, ҳар доим ҳам у ёки бу ҳодисани ўрганиш даражаси билан мувофиқлашмайди. Ушбу сабаб шкаллари ва градацияларни бир хиллигича риоя этиш барча маълумотларни бир вақтга келтириш етарли даражада қийин.

Атласнинг мақсадини аниқлашда ҳам қарама-қаршилиқ (зиддият) пайдо бўлади. Бир томондан ҳодисаларни анча тўлиқ ёритиш ва ҳар хил мавзудаги кўпроқ хариталар бериш ҳоҳиши бўлса, бошқа томондан эса атлас ҳажми чегарасиз эмас ва у мақсадга мувофиқ чегаралаш зарур.

Одатда атласлар устида картографлар, шунингдек, географлар, геоглоғлар, экологлар ва бошқа соҳа олимларининг катта жамоаси ишлайди. Ишлар узоқ чўзилади, кўп вақт материал тўплашга, хариталарни мувофиқлашга сарфланади. Аммо яхши атлас кўп йилларга хизмат қилади ва ҳатто 100 йилдан кейин ҳам аҳамиятини

йўқотмайди. Бу географик системани ҳолати ҳақидаги муайян бир вақтдаги (даврддаги) ҳужжатларни фундаментал тўпламидир.

1.8. ЎЗБЕКИСТОНДА АТЛАС КАРТОГРАФИЯСИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Ўзбекистонда атлас картография соҳасидаги тадқиқотларни бундан кейинги ривожланиши ва кенгайиши, шунингдек, илмий ишланмаларни жорий этиш қўйидаги йўналишларда ўтказилиши лозим: тизимли ёндашув асосида мавзули ва комплекс харитага олиш назариясини ривожлантириш ва республика учун уни амалга оширишнинг ягона дастурини ишлаб чиқиш; илмий тадқиқот, режалаштириш ва бошқарув ишларида фойдаланиш учун харита ва атласларнинг янги турларини ва типларини яратиш (баҳолаш, башоратлаш, табиатни муҳофаза қилиш ва уларнинг иқтисодий самарадорлиги, тиббий географик, экологик ва б.); харита ва атласларни тузишда аэрокосмофотосъёмка материалларидан янада самарали фойдаланиш, яқин ва узоқ хориж мамлакатларида бу соҳада ортирилган тажрибалардан фойдаланиш; «Ергеодезкадастр» Давлат Қўмитаси қошида миллий-информацион картографик марказ ташкил этиб, у ерда барча зарур фазовий-худудий ахборотларни бир жойга тўплаш ҳамда уларни мунтазам янгилаб бориш ва бошқалар.

Бу соҳадаги малакали мутахассислар Ўзбекистон Миллий университетидан ташқари, Тошкент давлат техника университети, Қорақалпоқ давлат университети, Урганч давлат университети, Тошкент ва Самарқанд архитектура ва қурилиш институтлари, Тошкент ирригация ва мелиорация институти ҳамда Тошкент геодезия ва картография коллежида тайёрланади.

Ўзбекистон Миллий университетининг Геология ва география факультети таркибидаги геодезия ва картография кафедраси Ўзбекистонда картография соҳасидаги тадқиқотларнинг маркази ҳисобланади. Мазкур кафедра 1921 йили ташкил этилиб, унга профессор Н.И.Лебединский 1948 йилгача мудирлик қилган. Сўнгра олдинма кейин Ф.Л.Горопкин, И.Г.Красовский, И.Г.Черняк, Ч.В.Гальков, Т.М.Мирзалиев,

Е.Г.Бродский, Л.Х.Ғуломова, А.Эгамбердиев, Ҳ.Мубораков раҳбарлик қилдилар. 2010 йилдан бошлаб кафедрага техника фанлари доктори **Э.Ю.Сафаров** раҳбарлик қилмоқда. Ҳозирги пайтда кафедрада 2 та фан доктори, профессор (**Т.М.Мирзалиев, Э.Ю.Сафаров**), 6 та фан номзоди, доцент (**Ҳ.Мубораков, А.Эгамбердиев, Л.Х.Ғуломова, Ж.С.Қорабоев, З.Д.Охунов, Э.Р.Мирмахмудов**), 4 та катта ўқитувчи (**С.Салохитдинова, И.Ў.Абдуллаев, О.Алланазаров, О.Г.Шукина**), 5 та ўқитувчи (**А.С.Рўзиев, Ш.М.Пренов, Д.Н.Раҳмонов, Ғ.З.Якубов, А.А.Мўминов**) ва ўқув устаси (**Л.П.Дюльгер**) фаолият кўрсатмоқдалар. Кафедра аъзоларининг асосий қисмини ёшлар ташкил этади.

1965 йили ўзбеклардан биринчи бўлиб Турғунбой Мирзалиев «Ўрта Осиё қишлоқ хўжалигини хариталаштиришнинг айрим масалалари» мавзусида номзодлик диссертациясини, 1996 йили эса «Ўзбекистонда социал-иқтисодий картографиянинг шаклланиши ва ривожланиш асослари» мавзусида докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди.

Кафедранинг «Картография» илмий ишлаб чиқариш давлат корхонасида, Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси қошидаги қурилишда муҳандислик қидирувлари, геоахборот ва шаҳарсозлик кадастри давлат институти (О'ЗГАСНК ДК)да, «Ўздаверлойиҳа» институтида, Марказий аэрогеодезия корхонасида, Геодезия ва картография Миллий марказида филиаллари мавжуд. Махсус курсларни ўқишга ишлаб чиқариш илғорлари, малакали мутахассислар, фан докторлари ташқаридан ўриндошлик асосида ҳар йили ишга таклиф қилинадилар. Кафедра профессор-ўқитувчилари умумий ва махсус курслардан маърузалар ўқиш, амалий машғулотларни олиб бориш билан бирга география, геология, биология ва тупроқшунослик йўналишлари талабаларининг дала-ўқув амалиётларига раҳбарлик қиладилар. Мазкур амалиётлар ғарбий Тяншаннинг энг гўзал ва географик жихатдан ўзига хос жойлари бўлган Чорвоқ сойлиги ҳамда Оқсоқотасой водийсидаги ўқув дала амалиёт базасида ўтказилади.

Ўтган йиллар мобайнида 1000 дан ортиқ малакали мутахассислар тайёрланди. Ҳозирги кунда уларнинг кўпчилиги геодезия, картография ва кадастр соҳасига оид ҳар хил ишлаб чиқариш корхоналарида, илмий тадқиқот институтларида ва ўқув муассасаларида муваффақиятли ишламоқдалар.

Ҳозирги пайтда кафедрада **5311500-«Геодезия, картография ва кадастр» бакалавриатура йўналиши, 5А311502-«Геодезия ва картография» магистратура мутахассисликлари** бўйича малакали кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилган. Шунингдек, кафедрада тўртта катта илмий ходим изланувчи (**Сайидов А.К., Рўзиев А.С., Пренов Ш.М. Ҳакимова К.**) **11.00.06-«Геодезия ва картография»** ихтисослиги бўйича диссертация ишилари устида ишламоқдалар. Кафедра аъзоларининг илмий ишлари Ўзбекистон Республикасини комплекс ва мавзули харитага олишнинг назарий ва амалий масалаларига бағишланган бўлиб, улар республикамизда тайёрланиб чоп этилаётган барча картографик ишларда (харита, атлас ва б.), хариташуносликка оид янги дарсликларни ёзишда, таълим стандартларини ва ўқув режаларини ишлаб чиқишда фаол иштирок этмоқдалар. Айни пайтда кафедра аъзорлари Фан ва техника давлат қўмитаси томонидан маблағ билан таъминланган «Ўзбекистон Миллий атласини яратишнинг илмий-услубий асослари» мавзуида кенг қамровли илмий-тадқиқот ишларини олиб бормоқдалар.

Шунингдек, мамлакатимизда атлас картографиясини ривожлантириш борасида ечимини кутаётган жиддий муаммолар ҳам бор. Булар қуйидагилар:

➤ Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудини ва унинг алоҳида регионларини комплекс харитага олишнинг 2030 йилгача бўлган ягона дастурини ишлаб чиқиш ва уни изчил босқичма-босқич амалга ошириш;

➤ комплекс харитага олишга оид ишларнинг бажарилишида иқтисодиёт тармоқларининг жорий ва истиқболдаги эҳтиёжларини ўрганиш, бу ишларнинг йўлга қўйилишини ташкил этиш, назорат қилиш, самарадорлигини ошириш;

➤ комплекс харитага олишнинг устувор масалаларига оид назарий, амалий ва услубий ишларга етарли даражада эътибор

бериш ҳамда бу муаммолар билан шуғулланадиган барча ташкилотлар ва мутахассислар ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш, уларнинг турли даражадаги илмий-амалий анжуманларда фаол иштирок этишларини таъминлаш;

➤ аэрокосмофотосъёмка материаллари асосида табиий ресурслар ва бошқа социал-иқтисодий шарт-шароитларни тадқиқ этиш ва уларни харитага олишни жадаллаштириш;

➤ илмий тадқиқот ишларининг моддий техник базасини замонавий илғор технологиялар билан янгилаш ва мазкур соҳа мутахассисларини муайян тўловли шартномалар асосида жаҳон андозалари даражасида тайёрлашни йўлга қўйиш;

➤ картографик ва аэрокосмик тадқиқот услубларига оид монографияларни, дарсликларни, илмий-услубий ишланмалар ва қўлланмаларни аниқ режа доирасида тайёрлаш ва уларни етарли миқдорда чоп этириш;

➤ ўқув хариталари ва атласларининг мавзуси ва мазмунини бугунги кун талаблари даражасига кўтариш ва уларнинг янги намунавий дастурлар ва дарсликларга мувофиқлигини таъминлаш;

➤ харита ва атласларда кўрсатиладиган маълумотларнинг тўлиқлиги ва маънодорлигини ошириш, уларни иккинчи даражали ортикча тафсилотлар билан тўлдириб юборишдан ҳоли қилиш;

➤ харита ва атласларнинг мазмуни, масштаби, андоза (проекция)си, шартли белгилари бўйича бир-бирига боғлаб, бир бутун тизим шаклида чиқариш;

➤ хариталарни эстетик жиҳозлашни такомиллаштириш ва улардан дарс жараёнида, саёҳатларда, сафарларда фойдаланиш хусусиятларини эътиборга олиб, чоп этиш ва бошқалар;

➤ «Картография» илмий ишлаб чиқариш давлат корхонаси билан ҳамкорликда Ўзбекистон Миллий университети геодезия ва картография кафедраси қошида ҳар хил мақсадли ва мазмунли харита ва атласларни яратиш бўйича махсус илмий лаборатория ташкил этиш;

➤ комплекс харитага олиш назариясини системали ёндашув асосида ривожлантириш, айниқса географик боғлиқлик ва қонуниятларни билиш воситаси сифатида хаританинг янги имкониятларини аниқлаш (очиш) билан боғлиқ тадқиқотларни чуқурлаштириш;

➤ хариталарни таҳлил қилиш усуллари кенгайтириш ва улардан илмий тадқиқот ишларини олиб боришда, иқтисодиётни бошқариш ва режалаштиришда кенг фойдаланиш;

➤ хариталарни тайёрлашни янги, анча такомиллашган усуллари ишлаб чиқиш. Давлат миқёсида картографик ишлаб чиқаришга хариталарни унча катта бўлмаган тиражларда нашр қилишни тезлатадиган ва унча қиммат бўлмаган технологик схемаларни ва техник воситаларни жорий этиш;

➤ хариталарнинг айрим турларини қисқа фурсатда яратишнинг автоматик усуллари излаш, янги хариталарни яратиш мақсадида маълумотларни олиш, сақлаш ва қайта ишлаш ҳамда доимий бўладиган жараён-хариталарни янгилаб туриш учун бу маълумотлардан фойдаланиш;

➤ умумий географик, табиий ва ижтимоий-иқтисодий, аҳоли ва хўжалик хариталарини лойиҳалаш ва тузиш учун ҳар хил учувчи аппаратларда бажарилган суратлардан фойдаланиш;

➤ инсонни космик фазони жадал ўзлаштираётганлигини ҳисобга олиб, тизимли ёндашув асосида Ой ва сайёраларнинг хариталарини ишлаб чиқиш масалалари ечимини топиш;

➤ жорий мақсадлар учун кенг фойдаланиладиган ва ҳодисаларнинг ривожланишини акс эттирадиган хариталарнинг ўзига хос (динамик) турларини яратиш ва кўпайтириш методларини ишлаб чиқиш;

➤ мамлакатда комплекс харитага олишни бундан кейин ҳам такомиллаштириш; давлат илмий-маълумотнома хариталарининг ягона тизимини (сериясини) яратиш режаларини ишлаб чиқиш ва уларни изчил амалга ошириш;

➤ бутун мамлакатнинг, Қорақалпоғистон Республикасининг, алоҳида вилоятларнинг комплекс атласларини яратиш,

иктисодиётни ва маданиятни ривожлантиришни режалаштириш учун зарур бўлган тизим хариталарини тайёрлаш;

➤ Ўрта умумий таълим ва олий ўқув муассасалари учун ягона дастур асосида ўқув харита ва атласларининг ягона тизимини яратиш ва нашр қилиш ва ҳ.к.

Албатта, ҳар қандай харита ёки атлас услубиёт нуқтаи назаридан аввало ўзининг бош ғояси, вазифаси ва мақсадига мувофиқ ҳолда қуйидагиларга риоя этиб тузилиши керак. Яъни, улар мазмунининг тўлалиги ва ички бир бутунлиги, воқеа ва ходисалар (объектлар) га улар ўртасидаги ўзаро алоқаларни, боғлиқлик ва қарама-қаршилиқларни ҳисобга олган ҳолда атрофлича картографик тавсиф бериш, шунингдек, уларни тарихий ривожланишда акс эттириш айниқса муҳимдир. Шу билан бир қаторда барча маълумотларнинг биронта характерли муддатларга боғланганлиги ва замонавийлигини таъминлаш ва улар ичидан энг асосийларини танлаб олиш ҳамда умумлаштириш, кўرғазмали ва тушунарли қилиб тасвирлаш лозим бўлади.

Картографик ишларни яхшилаш, картографик асарларни яратишни тезлатиш ва уларни илмий, қатъий режа асосида босқичма-босқич амалга ошириш учун бу ишларни амалий координация қилиш лозим.

Ўйлаймизки, республикамызда атлас картографиясининг бугунги ривожланиш даражаси бу соҳадаги мавжуд муаммоларни муваффақиятли ҳал этишни таъминлайди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Берлянт А.М. Картография. – М.: Аспект Пресс, 2001, 2002. 336 с.
2. Гальков Ч.В., Шведова В.А. Содержание серии демонстрационных карт сальского хозяйства Узбекистана. Изв. Узбекистанского геогр. о-ва, т. XIII. – Ташкент: Фан, 1971. с. 259-266.
3. Гальков Ч.В., Раҳимбеков Р.У., Югай Р.Л. Ўзбекистон карталари.-Тошкент: Ўқитувчи, 1975, 103 б.
4. Картография. Термины и определения. ГОСТ 21667-76. Издание официальное. М., Изд-во стандартов, 1978.
5. Картоведение: Учебник для вузов/ А.М.Берлянт, А.В.Востокова, В.И.Кравцова и др.; Под ред. А.М.Берлянта – М.: Аспект Пресс, 2003. – 477 с. – (серия «Классический университетский учебник»).
6. Комплексные региональные атласы /Под ред. К.А.Салищева. М.: Изд-во МГУ, 1976. 638 с.
7. Краюхин А.Н. Национальный Атлас России: от идеи до создания. //Геодезия и картография. – 2005. - №10. с. 26-30
8. Левицкий И.Ю., Эгамбердиев А., Рыбалко С.В. О создании атласа агропромышленного комплекса союзной республики //Природная среда и территориальная организация хозяйства в районах агропромышленного производства. Тез. докл. – Кишнев, 1982, с. 92-93.
9. Левицкий И.Ю., Эгамбердиев А., Рыбалко С.В. О проекте создания атласов земельного кадастра союзных республик и областей //Производит. силы Ташк. эконом. района: Тез. докл. – Ташкент – Ангрен, 1987, с. 172-175.
10. Мирзалиев Т., Мухитдинов Ш.М., Базарбаев А. Атласное картографирование в Узбекистане. Монография. –Ташкент, Фан, 1990.
11. Мирзалиев Т., Мухитдинов Ш.М. Итоги и результаты комплексного атласного картографирования территории Узбекистана, // Информационное сообщение. №439. -Ташкент: Фан, 1988.
12. Мирзалиев Т., Сафаров Э.Ю., Эгамбердиев А., Карабаев Ж.С. Концепция национального атласа Узбекистана. Научно-методические основы создания национального атласа Узбекистана. Материалы республиканской научно-практической конференции. – Ташкент, 2009 с. 3-6.

13.Мирзалиев Т., Сафаров Э.Ю., Эгамбердиев А., Қорабаев Ж.С. Атлас картографияси. Ўқув қўлланма. –Тошкент.: «Университет», 2015.-248 б.

14.Салищев К.А. Национальные атласы. История, анализ, пути совершенствования и унификации. М., 1960. -149 с.

15. Салищев К.А. Картоведение. Учебник. – 3-е изд. – М.: Изд-во МГУ, 1990.– 400 с

16.Сваткова Т.Г. Атласная картография. –М.: Аспект Пресс, 2002, 203 с.

17.Справочник по картографии /А.М.Берлянт, А.В.Гедымин, Ю.Г.Кельнер и др. – М.: Недра, 1988. 428 с.

18.Эгамбердиев А. Ўзбекистонда картографиянинг шаклланиши, ҳозирги ҳолати, муаммолари ва истиқболлари. – Тошкент, «Университет», 2001. – 25 б.

19.Эгамбердиев А. Ўзбекистонда географик картографиянинг ҳолати, муаммолари ва истиқболлари. //«Ҳозирги замон географияси: назария ва амалиёт» халқаро илмий – амалий конференция материаллари, - Тошкент, 2006. 22 – 27 б.

20.Эгамбердиев А. Ўзбекистонда комплекс харитага олиш: унинг ривожланиши, ҳолати, истиқболлари, муаммолари. – Тошкент, 2011, 36 б.

21.Эгамбердиев А. Ўзбекистон Миллий атласи: моҳияти, таркиби ва мазмуни (маъруза). Ўқув муассасаларида ички қўлланилиши учун. – Тошкент, М.В.Ломоносов номидаги МДУ нинг Тошкент шаҳридаги Филиали Матбаа маркази. 2013.-19 б.

22.Увраймов С. Эгамбердиев А. Миллий атласлар – миллат кўзгуси. Ўзбекистонда география фанининг долзарб муаммолари. Республика илмий-амалий конференция материаллари. – Термиз., 15 декабрь. 2016 йил. Б.267-268.

23.Uvraimov S. Geografik xarita va kartografiyaning rivojlanish tarixi. – Toshkent. «Navro'z» nashriyoti, 2015. – 96 b.

24.Википедия. Свободная энциклопедия. www.wikipedia.org.

ИЛОВАЛАР

СОБИҚ ИТТИФОҚДА ЧОП ЭТИЛГАН АТЛАСЛАР

Дунё, материклар ва алоҳида давлатларнинг комплекс атласлари

- ◆ Физико-географический атлас мира. – М., изд. ГУГК, 1964.
- ◆ Атлас Антарктики. – М. – Л., изд. ГУГК, 1966.
- ◆ Атлас Африки. –М., изд. ГУГК, 1968.
- ◆ Атлас Латинской Америки. –М., изд. ГУГК, 1968.
- ◆ Атлас США. –М., изд. ГУГК, 1966.
- ◆ Национальный атлас Кубы. АН Кубы – АН СССР. Гавана – Москва, изд. ГУГК, 1970.

Собиқ Иттифоқ ҳудуди атласлари

- ◆ Атлас Азиатской России. –СПб., 1914.
- ◆ Атлас землетрясений в СССР. –М., изд. АН СССР, 1962.
- ◆ Атлас «Образование и развитие Союза СССР». –М., изд. ГУГК, 1972.
- ◆ Атлас развития хозяйства и культуры СССР. –М., изд. ГУГК, 1967.
- ◆ Атлас СССР. 2-е изд. – М., изд. ГУГК, 1969.
- ◆ Климатический атлас СССР, т. I. – М., изд. ГУГК, 1960.

Собиқ Иттифоқнинг комплекс регионал атласлари Илмий-маълумотнома атласлар

- ◆ Атлас Азербайджанской ССР. Ин-т географии АН АзССР. Баку – Москва, изд. ГУГК, 1963.
- ◆ Атлас Армянской ССР. АН АрмССР. Ереван – Москва, изд. ГУГК, 1961.
- ◆ Атлас Байкала. Лимнол. ин-т СО АН СССР. Иркутск – Москва, изд. ГУГК, 1969.
- ◆ Атлас Грузинской ССР. Ин-т географии им. Вахушти АН ГрузССР. Тбилиси – Москва, изд. ГУГК, 1964.
- ◆ Атлас Забайкалья. Ин-т географии С и ДВ СО АН СССР. Москва – Иркутск, изд. ГУГК, 1967.
- ◆ Атлас Иркутской области. Геогр. ф-т МГУ, Вост.-Сиб. филиал СО АН СССР. Москва – Иркутск, изд. ГУГК, 1962.
- ◆ Атлас Карагандинской области. –М., изд. ГУГК, 1969.

- ◆ Атлас Коми АССР. НИГЭИ ЛГУ, Коми филиал АН СССР. –М., изд. ГУГК, 1964.
- ◆ Атлас Кустанайской области. Геогр. ф-т МГУ, АН КазССР. – М., изд. ГУГК, 1963.
- ◆ Атлас Ленинградской области. НИГЭИ ЛГУ. – М., изд. ГУГК, 1967.
- ◆ Атлас Псковской области. НИГЭИ ЛГУ. – М., изд. ГУГК, 1969.
- ◆ Атлас Сахалинской области. СахКНИИ СО АН СССР. Сах. облисполком. – М., изд. ГУГК, 1967.
- ◆ Атлас Таджикской ССР. СОПС АН ТаджССР. Душанбе – Москва, изд. ГУГК, 1968.
- ◆ Атлас Узбекской ССР. АН УзССР. Ташкент – Москва, изд. ГУГК, 1963.
- ◆ Атлас Целинного края. Геогр. ф-т МГУ. –М., изд. ГУГК, 1964.
- ◆ «Географія Київської області». Атлас. Геогр. ф-т КДУ. Київ, вид. КДУ, 1962.

Ўқув-ўлкашунослик атласлари

- ◆ Атлас Астраханской области. –М., изд. ГУГК, 1968.
- ◆ Атлас Волгоградской области. –М., изд. ГУГК, 1967.
- ◆ Атлас Вологодской области. –М., изд. ГУГК, 1965.
- ◆ Атлас Воронежской области. –М., изд. ГУГК, 1968.
- ◆ Атлас Дагестанской АССР. Даг. фил. Геогр. о-ва СССР. Махачкала, Даг. уч-пед. изд. 1964.
- ◆ Атлас Калининской области. –М., изд. ГУГК, 1964.
- ◆ Атлас Калужской области. –М., изд. ГУГК, 1971.
- ◆ Атлас Кировской области. –М., изд. ГУГК, 1968.
- ◆ Атлас Курской области. – М., изд. ГУГК, 1968.
- ◆ Атлас Московской области. –М., изд. ГУГК, 1964.
- ◆ Атлас Мурманской области. НИГЭИ ЛГУ. –М., изд. ГУГК, 1971.
- ◆ Атлас Оренбургской области. – М., изд. ГУГК, 1969.
- ◆ Атлас Ростовской области. –М., изд. ГУГК, 1973.
- ◆ Атлас Рязанской области. –М., изд. ГУГК, 1965.
- ◆ Атлас Северо-Осетинской АССР. –М., изд. ГУГК, 1967.
- ◆ Атлас Смоленской области. –М., изд. ГУГК, 1964.
- ◆ Атлас Ставропольского края. Ставр. отд. Геогр. о-ва СССР, Ставр. пед. ин-т. –М., изд. ГУГК, 1968.
- ◆ Атлас Тамбовской области. –М., изд. ГУГК, 1966.
- ◆ Атлас Ярославской области. – М., изд. ГУГК, 1964.

ЎЗБЕКИСТОНДА СОБИҚ ИТТИФОҚ ДАВРИДА ЧОП ЭТИЛГАН АТЛАСЛАР

Комплекс илмий-маълумотнома

- ◆ Атлас Узбекской ССР /физико-географический/. –М.: Изд. ГУГК, 1963.
- ◆ Атлас Узбекской ССР /учебно-краеведческий/. –М.: Изд. ГУГК, 1981.
- ◆ Атлас Узбекской ССР /научно-справочный/. Часть первая. – Москва. Ташкент. Изд. ГУГК, 1982.
- ◆ Атлас Узбекской ССР /научно-справочный/. Часть вторая. – Москва. Ташкент. Изд. ГУГК, 1985.
- ◆ Ташкент. Географический атлас. –М.: Изд. ГУГК, 1984.
- ◆ Атлас Узбекской ССР, Киргизской ССР, Таджикской ССР и Туркменской ССР /общегеографический/. –М.: Изд. ГУГК, 1988.

ЎЗБЕКИСТОНДА МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЧОП ЭТИЛГАН АТЛАСЛАР

Комплекс илмий-маълумотнома ва соҳавий

- ◆ Ўзбекистон этно-конфессионал атласи.–Тошкент, «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси, 2005.
- ◆ Географический атлас Узбекистана. –Ташкент, «Госкомземгеодезкадастр», 2012.
- ◆ Ўзбекистон Республикасининг Ер ресурслари атласи. Биринчи нашр. –Тошкент, «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси, 2001.
- ◆ Ўзбекистон Ер усти сувлари атласи. –Тошкент, Мирзо Улуғбек номидаги ЎЗМУ босмахонаси, 2006.
- ◆ Ўзбекистон Республикасининг экологик атласи. – Тошкент, Мирзо Улуғбек номидаги ЎЗМУ босмахонаси, 2007.
- ◆ Ўзбекистонда атроф-муҳит ҳолатини экологик кўрсаткичлар асосида баҳолаш атласи. –Тошкент, «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси, 2008.
- ◆ Ўзбекистон Республикаси тупроқ қопламлари атласи. – Тошкент, «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси, 2010.
- ◆ Ўзбекистон географик атласи - Тошкент, «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси, 2016.

Ўқув атласлар

- ◆ Ўзбекистон географик атласи /Умумий ўрта таълим муассасалари учун ўқув маълумотнома-қўлланма. – Тошкент: ДИК нашрети, 1999-56 б.
- ◆ Ўзбекистон тарихи атласи. – Тошкент, «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси, 1999.

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларнинг ўлкашунослик атласлари

- ◆ Қорақалпоғистон Республикаси ўлкашунослик атласи. – Тошкент, «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси, 2015.
- ◆ Андижон вилояти ўлкашунослик атласи. – Тошкент, «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси, 2015.
- ◆ Бухоро вилояти ўлкашунослик атласи. – Тошкент, «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси, 2014.
- ◆ Жиззах вилояти ўлкашунослик атласи. – Тошкент, «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси, 2014.
- ◆ Қашқадарё вилояти ўлкашунослик атласи. –Тошкент, «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси, 2016.
- ◆ Навоий вилояти ўлкашунослик атласи. –Тошкент, «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси, 2016.
- ◆ Наманган вилояти ўлкашунослик атласи. –Тошкент, «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси, 2016.
- ◆ Самарқанд вилояти ўлкашунослик атласи. –Тошкент, «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси, 2016.
- ◆ Сурхондарё вилояти ўлкашунослик атласи.–Тошкент, «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси, 2016.
- ◆ Сирдарё вилояти ўлкашунослик атласи. –Тошкент, «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси, 2016.
- ◆ Тошкент вилояти ўлкашунослик атласи. –Тошкент, «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси, 2016.
- ◆ Фарғона вилояти ўлкашунослик атласи. –Тошкент, «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси, 2016.
- ◆ Хоразм вилояти ўлкашунослик атласи. –Тошкент, «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси, 2015.

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларнинг маданий мерос объектлари атласлари

- ◆ Маданий мерос объектлари. Қорақалпоғистон Республикаси. – Тошкент, «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси, 2016.
- ◆ Маданий мерос объектлари. Андижон вилояти. –Тошкент, «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси, 2016.
- ◆ Маданий мерос объектлари. Бухоро вилояти. –Тошкент, «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси, 2016.
- ◆ Маданий мерос объектлари. Жиззах вилояти. –Тошкент, «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси, 2016.
- ◆ Маданий мерос объектлари. Қашқадарё вилояти. –Тошкент, «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси, 2016.
- ◆ Маданий мерос объектлари. Навоий вилояти. –Тошкент, «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси, 2016.
- ◆ Маданий мерос объектлари. Наманган вилояти. –Тошкент, «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси, 2016.
- ◆ Маданий мерос объектлари. Самарқанд вилояти. –Тошкент, «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси, 2016.
- ◆ Маданий мерос объектлари. Сурхондарё вилояти. –Тошкент, «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси, 2016.
- ◆ Маданий мерос объектлари. Сирдарё вилояти. –Тошкент, «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси, 2016.
- ◆ Маданий мерос объектлари. Тошкент вилояти. –Тошкент, «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси, 2016.
- ◆ Маданий мерос объектлари. Фарғона вилояти. –Тошкент, «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси, 2016.
- ◆ Маданий мерос объектлари. Хоразм вилояти. –Тошкент, «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси, 2016.

Ўқув географик атласлар

- ◆ Атлас. Табиатшунослик. 4-синф. –Тошкент, «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси, 2000-2016.
- ◆ Атлас. Табиий географиянинг бошланғич курси. 5-синф. – Тошкент, «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси, 2000-2016.
- ◆ Атлас. Материклар ва океанлар табиий географияси. 6-синф. – Тошкент, «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси, 2000-2016.

- ◆ Атлас. Ўрта Осиё ва Ўзбекистоннинг табиий географияси. 7-синф. –Тошкент, «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси, 2000-2016.
- ◆ Атлас. Ўзбекистон иқтисодий ва ижтимоий географияси. 8-синф. –Тошкент, «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси, 2000-2016.
- ◆ Атлас. Дунёнинг иқтисодий ва ижтимоий географияси. 9-синф. –Тошкент, «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси, 2000-2016.

Ўқув тарихий атласлар

- ◆ Атлас. Тарихдан ҳикоялар. 5-синф. –Тошкент, «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси, 2000-2016.
- ◆ Атлас. Қадимги дунё тарихи. 6-синф. –Тошкент, «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси, 2000-2016.
- ◆ Атлас. Жаҳон тарихи. Ўзбекистон тарихи. Ўрта асрлар. 7-синф. –Тошкент, «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси, 2000-2016.
- ◆ Атлас. Жаҳон тарихи. Ўзбекистон тарихи. 8-синф. –Тошкент, «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси, 2000-2016.
- ◆ Атлас. Жаҳон тарихи (1870-1914). 9-синф. –Тошкент, «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси, 2000-2016.